



MILLIY TIKLANISH

45 (210) ● 2012 йил 7 ноябрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган



МАЗКУР ҳуқуқий ҳужжат ЎзМТДП дастурий мақсадларида кўзда тутилган Ўзбекистоннинг миллий манфаатлари йўлида амалга оширилаётган кучли ташқи иқтисодий стратегияни рўйбга чиқариш, давлатни иқтисодий ривожлантириш ва унинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш каби масалаларда муҳим ўрин тутди.



МИНОРАИ КАЛОН нафақат ўз даври меъморчилигининг ноёб дурдоналаридан бири, балки бугунги кунда ҳам барча зиёратчиларни ҳайратга солаётган, мумтоз, умуминсонийлик даражасига кўтарила олган миллий қадриятимиздан бири сифатида қадрлидир.



ЮРТИМИЗДА ташаббускор, интилувчан ёшлар эришаётган ютуқларни оммалаштириш, уларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка қизиқишини янада кучайтириш, бунёдкорлик интилишлари ва ижодий фаолиятни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

4 ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

5 МАЪНАВИЯТ

6 ЖАРАЁН

ХАБАРЛАР

ПАРЛАМЕНТ ЭШИТУВИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Фуқаролар тенглиги бафолати

Жиззах шаҳрида БМТнинг «Хотин-қизлар камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида»ги конвенцияси роли ва аҳамиятини тарғиб қилиш бўйича Ўзбекистоннинг Миллий иш режасини амалга ошириш бўйича олиб борилаётган ишларга бағишланган семинар-тренинг ўтказилди.

Тадбир вилоят адлия, ички ишлар бошқармалари, хотин-қизлар кўмитаси ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилди. Анжуманда хотин-қизларнинг халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда ва Ўзбекистон Конституциясида белгилаб қўйилган ҳуқуқлари, оилавий келишмовчиликларнинг олдини олиш, оила мустаҳкамлигини таъминлашда ҳуқуқий тарғиботнинг ўрни, эр-хотин тенглигининг ҳуқуқий асослари, одам савдоси оқибатида жабрланган аёлларга ёрдам кўрсатиш каби мавзулар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон — ягона Ватан

Урганч шаҳрида Ўзбекистон билан Корея Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганлигининг 20 йиллигига бағишланган «Ўзбекистон — умумий уйимиз!» шиори остида маданий-маърифий кеча бўлиб ўтди.

Тадбирда Корея Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Чон Де Ван давлатларимизнинг ўзаро маданий-маърифий алоқалари, халқларимизнинг миллий қадриятлари ҳамда урф-одатлари ҳақида сўз юритди. Кечада Хоразм вилоятида яшаётган турли миллат вакиллари қатнашди. — Вилоятимизда тўрт мингга яқин корейс миллатига мансуб аҳоли истиқомат қилади, — дейди Хоразм вилояти корейс миллий маданият маркази раҳбари Антонина Ким. — Улар мана шу мўътабар заминда яшаётган барча миллат ва элат вакиллари билан аҳил-иноқ ҳаёт кечириб, ягона Ватанимиз — Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнаши йўлида сидқидилдан меҳнат қилмоқда.

Тадбиркор қонун ҳимоясида

Пойтахтда ўтказилган анжуман хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига ноқонуний аралашганлик учун жавобгарлиқнинг муқаррарлиги мавзусида бўлди.

Адлия вазирлиги, Бош прокуратура ҳамда Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш масаласи атрофида муҳокама қилинди. Тадбирда назорат қилувчи органлар томонидан ўтказилган текширишлар сони тубдан қисқартирилгани, топширилмаган ҳисобот турлари камайтирилганлигини аниқ мисоллар орқали таҳлил этилди. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларни муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш тартиби сезиларли даражада содда-лаштирилганлиги таъкидланди.



Мактабгача таълим муассасалари ҳолати ва истиқболлари

ЎзМТДП ФРАКЦИЯСИ АЪЗОЛАРИ ТАШАББУСИ БИЛАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ АНА ШУНДАЙ МАСАЛАЛАР ЮЗАСИДАН АХБОРОТИ ТИНГЛАНДИ

Истиқлол йилларида юртимизда иқтисодий, ижтимоий ҳамда маънавий соҳаларда кенг қўламли ва изчил ислохотлар амалга оширилди. Айниқса, юксак маънавиятли ва замонавий bilimлар эгаси бўлган баркамол авлодни шакллантириш борасида салмоқли қадамлар ташланди.

Соҳага оид қонунлар ижросини ўрганиш, таълим йўналишидаги ишларнинг бориши, соҳада учраётган айрим камчиликларни бартараф этишга эътибор қаратиш мақсадида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси ташаббуси билан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитасининг кенгайтирилган йиғилишида Халқ таълими вазирининг «**Болаларни мактабгача таълим муассасаларига жалб этишнинг ҳолати ва истиқболлари: ҳуқуқий асосини такомиллаштириш**» мавзусидаги ахбороти тингланди. Унда Қонунчилик палатаси депутatlари, Халқ таълими вазирилик ходимлари, вазирлик қошидаги марказлар ва Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирилик мутасаддилари, вилоятлар ва Тошкент шаҳри халқ таълими бошқармаси бошлиқлари, мактабгача таълим муассасалари раҳбарлари, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Унда Қонунчилик палатаси депутatlари, Халқ таълими вазирилик ходимлари, вазирлик қошидаги марказлар ва Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирилик мутасаддилари, вилоятлар ва Тошкент шаҳри халқ таълими бошқармаси бошлиқлари, мактабгача таълим муассасалари раҳбарлари, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

2-бет

ФРАКЦИЯ ҲАЁТИ

Юрт равнақи ва халқ фаровонлиги

Йўлидаги қонун лойиҳалари ЎзМТДП ЭЛЕКТОРАТИ МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилишида кўйи палата яли мажлиси кун тартибига киритилиши назарда тутилаётган масалалар муҳокама қилинди.

Депутатлар дастлаб «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонун лойиҳасини муҳокама қилишди. Шундан сўнг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси депутатлар эътиборига ҳавола этилди. Таъкидланганидек, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши билан Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонунлар ва Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексидан белгиланган нормалар ўзаро мувофиқлаштирилади. Бу эса ўз навбатида тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштириш, бир қатор имтиёزلарни тақдим этиш, бизнес ишларига маъмурий ва бюрократик аралашувни чеклаш орқали макроиқтисодий барқарорликни ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлашга хизмат қилади.

Йиғилишида парламент кўйи палатаси муҳокамасига киритилиши режалаштирилган «Микромолиялаш соҳасининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди. Мазкур қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислох қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишни устувор йўналишлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда 2011 йил 14 январдаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармойиши талаблари асосида ишлаб чиқилган.

4-бет

Миллий матбуот марказида «Оммавий ахборот воситаларининг жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги ўрни» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик назорати

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутatlари, мамлакатимизнинг етакчи босма, электрон оммавий ахборот воситалари ходимлари, экспертлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети журналистика факультетининг профессор ва ўқитувчилари, талабалари қатнашди. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов ва бошқалар давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари фаолиятининг очик ва ошқоралигини таъминлаш, аҳолини мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида мунтазам хабардор қилиш, ахборот эркинлигига эришиш демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим шарти эканини таъкидлади.

2-бет

«Milliy tiklanish» газетасига обуна бўлинг!
 Нашр кўрсаткичи — 158



СИЁСАТ

● **ПАРЛАМЕНТ ЭШИТУВИ**



Мактабгача таълим муассасалари ҳолати ва истиқболлари

ЎзМТДП ФРАКЦИЯСИ АЪЗОЛАРИ ТАШАББУСИ БИЛАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ АНА ШУНДАЙ МАСАЛАЛАР ЮЗАСИДАН АХБОРОТИ ТИНГЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Йиғилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси, ЎзМТДП фракцияси аъзоси А.Маматов мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар халқаро жамоатчилик томонидан ҳам эътироф этилаётгани, намуна сифатида ўрганилаётганлигига эътибор қаратди.

— Мустақиллик йилларида юртимизда таълим соҳаси тубдан ислох қилинди, ҳоҳиятан ҳеч қайси бир давлатда мавжуд бўлмаган узлуksиз таълим тизими шакллантирилди. Ёш авлоднинг мактабгача таълим муассасаларидан то олий таълимгача бўлган узлуksиз билим олишлари, касб ўрганиши учун шарт-шароитлар яратиш давлат сиёсатининг устувор вазифаси бўлиб келмоқда. Бу борада "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури таълим соҳасини ислох этишнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Ўрни келганда таъкидлаш жоизки, соҳага оид қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлашга қаратилаётган алоҳида эътибор ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишида муҳим омил бўлмоқда, — деди нотик.

Иштирокчилар томонидан таълим тизимининг мактабгача

таълим соҳасида ҳам кенг қамровли ишлар олиб борилаётганлиги алоҳида эътироф этилди. Жумладан, мактабгача таълим муассасалари фаолиятининг норматив-ҳуқуқий асоси мустаҳкамланиб, соҳанинг давлат ҳамда нодавлат тармоғи кенгайтирилмоқда. Бундан ташқари таълимнинг илгор технологиялари жорий этилиб, кадрлар малакасини ошириш тизими такомиллаштирилди. Болаларни мактабга тайёрлашнинг қисқа мuddатли гуруҳлари низоми асосида ташкил этилиб, мактабгача таълим муассасаларининг муқобил шакллари жорий этилмоқда.

Шундан сўнг Халқ таълими вазири Т.Шириновнинг ахбороти тингланди. Маърузачи таъкидлаганидек, истиқлол йилларида мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг билим олиши, ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етиши, фарзандларимизнинг ҳаётда муносиб ўрин эгаллашлари учун кенг имконият ва шарт-шароитлар яратишга бўлган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Мазкур йўналишдаги ишлар давлатимиз раҳбари Ислам Каримов томонидан Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 19 январдаги мажлисида баён этилган "2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади" ҳамда "Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор

тараққиёт этириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти" мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқидан келиб чиқадиган вазифалар асосида изчил давом эттирилмоқда.

Бугунги кунда республикада давлатга қарашли 4 минг 978 та мактабгача таълим муассасасида 539 минг 65 нафар бола қамраб олинган. Мавжуд мактабгача таълим муассасаларида 52515 нафар педагог-тарбиячи меҳнат қилмоқда. Мактабгача таълим муассасаларининг тубдан ислох қилиши, улар фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2007 йил 25 октябрдаги "Мактабгача таълим муассасаларидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори қабул қилиниб, мактабгача таълим соҳасида турли йўналишлар кесимида "Ўзбекистон Республикаси давлат мактабгача таълим муассасалари тўғрисида", "Ўзбекистон Республикасида нодавлат мактабгача таълим муассасалари тўғрисида" ва "Қисқа мuddатли гуруҳлар тўғрисида"ги Низомлар қабул қилинган. Ҳар йили таълим соҳасига ажратилаётган маблағларнинг 10 фоизи мактабгача таълим муассасалари таъминотида йўналтирилмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида йўналтирилган маблағ 343,9 млрд. сўмни ташкил этади.

Йиғилишда депутатлар мактабгача таълим муассасаларида 2-7 ёшгача бўлган болаларнинг қамраб олиниши Қашқадарёда 11,4 фоиз, Сурхондарёда 11 фоиз, Хоразмда 15,8 фоиз, Республика бўйича эса атиги 22,7 фоизни ташкил этишини таъкидладилар. Шунингдек, айрим ҳудудлардаги мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техника базасини яхшилаш, кадрлар малакасини ошириш олий таълим муассасаларида дефектология йўналишларини кўпайтириш, мактабгача таълим муассасалари педагог-тарбиячиларини аттестациядан ўтказиш ва уларнинг малака тоифаларини белгилаш, методик қўлланмалар, замонавий дидактик материаллар яратиш юзасидан тақлиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Тадбирда сиёсий партиялар ва экологик ҳаракатдан сайланган депутатлар партиявий позицияларини баён қилдилар. Жумладан, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзолари муҳокама этилаётган масала юзасидан партия дастурий мақсадлари ва сайловолди Платформасидан келиб чиққан ҳолда бир қатор муҳим фикрларни мулоҳаза, тақлиф ва тавсияларни ўртага ташлашди.

— Фракциямиз аъзолари ташаббуси билан амалга оширилган парламент эшитувида қўрилган масалалар долзарблиги, жамият ва давлатимиз тараққиётида муҳим ўрин ту-

тиши ҳамда миллий манфаатларимизга мос ва хослиги, партиямиз гоёлари, дастурий мақсад ва сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларга ҳамоханлиги билан аҳамиятлидир, — деди тадбирда сўзга чиққан ЎзМТДП фракцияси раҳбари У.Муҳаммадиев. — Боиси, мамлакатимиз ва халқимиз манфаатларини кўзлайдиган ҳамда устувор деб биладиган, юксак маънавиятли, эркин, масъулиятли, комил инсонни тарбиялаш борасида юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларда фаол иштирок этиш, шунингдек, ёш авлодни миллий-маънавий, тарихий қадриятларимизга ҳурмат руҳида вояга етказишга кўмаклашиш ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган устувор вазифалардан саналади. Мазкур йўналишдаги ишлар, аввало, мактабгача таълим муассасаларидан бошланиши ҳеч кимга сир эмас. Шундай экан, болаларнинг ҳаётини муҳофаза қилиш ва соғлигини мустаҳкамлаш, интеллектуал, шахсий ва жисмоний ривожланишини таъминлаш учун махсус билим ва малакага эга бўлган кадрлар тайёрлашни кучайтириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Йиғилиш якунида кун тартибидagi масала юзасидан ЎзМТДП фракцияси ва қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик назорати

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда жамоатчилик назоратини амалга ошириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолиятида ошкораликни таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг иштирокини кучайтириш бўйича комплекс ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги, "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги, "Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида"ги қонунлари ва бошқа қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда фуқаролар ҳамда оммавий ахборот воситаларининг эркин ва ҳеч қандай тўсиқларсиз ахборот излаш, олиш, текшириш, узатиш ҳамда тарқатиш ҳуқуқининг конституциявий кафолатлари, шунингдек, ахборотнинг очиклиги, ишончлилиги ва ундан фойдаланиш мумкинлиги принциплари мустаҳкамланган.

Президентимиз Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси Ўзбекистонда

фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш борасидаги ишларнинг мантиқий давоми бўлди. Унда давлат ва жамоатчилик ишларини бошқариш жараёнига фуқаролик жамияти институтларини жалб қилиш орқали давлат органлари фаолиятининг очиклик ҳамда самарадорлик даражасини ошириш, ушбу жараёнда оммавий ахборот воситаларининг кенг иштирокини таъминлаш чоралари кўзда тутилган.

Тадбир иштирокчиларининг таъкидлашича, давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан жамоатчилик назорати институтини янада такомиллаштириш жамиятнинг давлат билан самарали муносабатини таъминлаш, одамларнинг нималарга кўпроқ қизиқишини, мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ўзгаришларга муносабатини аниқлашнинг энг муҳим омилларидан бирига айланмоқда.

Давра суҳбатида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг ошкоралигини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни, фуқаролик жамиятини ривожлантиришда жамоатчилик назоратининг роли, жамоатчилик назоратини амалга оширишда оммавий ахборот воситалари фаоллигини кучайтиришга бағишланган маърузалар тингланди ва муҳокама этилди.

● **ҚАРОР ВА ИЖРО**

Таълим ва ахборот технологиялари

БУГУНГИ КУНДА ҲАЁТИМИЗНИ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИСИЗ ТАСАВВУР ЭТИБ БЎЛМАЙДИ

Президентимизнинг 2012 йил 21 мартда қабул қилинган "Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишлар қўламлини кенгайтиришга хизмат қилаётди. Мазкур қарор ижроси юзасидан Фарғона вилоятида ҳам изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

кистонда электрон китоблардан фойдаланиш каби лойиҳалар бўйича мамлакатимизда тажриба-синнов ҳудуди ҳисобланади. Хусусан, Фарғона шаҳридаги 13-умумтаълим мактабининг 5-а синфида "Ўқувчининг электрон кундалиги" лойиҳаси амалга оширилмоқда. Мазкур тажриба натижасида ўқувчиларнинг ўзлаштириши 92 фоиздан 100 фоизга кўтарилди. Дастурнинг қўлайлиги шундаки, ўқувчининг олган баҳолари, уй вазифаси, агар ўқувчи дарсга келмаса ўтилган дарс мавзуси, берилган топшириқлар ота-онанинг телефон рақамига SMS орқали келиб тушади. Шу тарихда электрон кундалик мактаб ва ота-она ўртасида узвий алоқани таъминлайди.

"Ўзбекистонда электрон китоб (Jet Book)лардан фойдаланиш" лойиҳаси эса Қўқон шаҳридаги 33-умумтаълим мактабининг жорий йилида тажриба-синнов тариқасида жорий этилди. Мазкур лойиҳа натижалари ўқувчиларнинг китобга бўлган қизиқишини сезиларли даражада ошганини кўрсатди.

Вилоятдаги 648 мактабда веб-сайтлар очилган бўлиб, мактабда амалга оширилаётган ишлар, ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирлар, ўқитувчилар томонидан яратилаётган электрон дарсликлар мазкур веб-сайтларга жойлаштириб борилмоқда. Ўтган йили Фарғона шаҳридаги 40-ихтисослашган умумтаълим мактаби республика миқёсида ўтказилган "Энг яхши мактаб веб-сайти" кўрик-танловида биринчи ўринни эгаллади. Бу ҳам вилоятда ахборот технологияларини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишларнинг амалий самарасидир.

Яратилаётган ана шундай имкониятлар натижасида ўқувчилар замонавий ахборот технологияларини пухта эгаллаб, бу борада зарур билим ва қўникмаларга эга бўлмоқда.

Айни кунларда вилоят ҳокимлиги, солиқ, халқ таълими, соғлиқни сақлаш бошқармаларида электрон ҳужжат айланиши тизими жорий этилди. Ўтган йили вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармасининг веб-сайти ишга туширилди. Мазкур сайтга доимий равишда вилоятдаги бўш иш ўринлари ҳақида маълумотлар киритиб борилмоқда. Фарғона шаҳридаги "Ectaso.uz" масъулияти чекланган жамиятида эса китобларнинг электрон шакллари, турли дастурлар тайёрланмоқда.

Вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан шаҳар ва туманлардаги барча мактаб ва мактабгача таълим муассасалари, махсус мактаб-интернатларда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш жорий этилмоқда. Бугунги кунда 918 умумтаълим мактабларида 796 замонавий ўқув компьютер синфлари ташкил этилган. Шунингдек, мактаблар "ZyONET" жамоат таълим ахборот тармоғига уланган бўлиб, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ундан самарали фойдаланиши учун барча шароит яратилган.

Фарғона вилояти "Ўқувчининг электрон кундалиги" ва "Ўзбе-




Урал ХАЙТОВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Мактабгача таълим — таълим тизимининг биринчи бўғини саналиб, инсон ҳаёти давомида эгаллаши лозим бўлган билим ва қўникмаларнинг асосий қисмини айна шу даврда олади. Инсоннинг келажақда ўз ўрни ва мавқеига эга бўлиши кўп жиҳатдан мактабгача ёшда кечган ҳаёт тарзига боғлиқдир. Шу нукта назардан, бугунги эшитув узлуksиз таълим тизимининг бошланғич босқичи — болаларни мактабгача таълим муассасаларига жалб этишнинг ҳолати ва истиқболларига бағишлангани айна мuddао бўлди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур соҳада эришилаётган ютуқлар билан бирга айрим камчиликлар ҳам кўзга ташланади. Жумладан, болаларни мактабга тайёрлашнинг қисқа мuddатли тайёрлов гуруҳларига эътиборни янада кучайтириш лозим. Шунингдек, мактабгача таълим муассасаларига янада кенгроқ шароитлар яратиш, имтиёзлар беришга қаратилган норматив-ҳуқуқий базани янада мустаҳкамлаш зарурати мавжуд. Бу борадаги ишларни жонлантиришда ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда тақлифларини

— Мактабгача таълим — таълим тизимининг биринчи бўғини саналиб, инсон ҳаёти давомида эгаллаши лозим бўлган билим ва қўникмаларнинг асосий қисмини айна шу даврда олади. Инсоннинг келажақда ўз ўрни ва мавқеига эга бўлиши кўп жиҳатдан мактабгача ёшда кечган ҳаёт тарзига боғлиқдир. Шу нукта назардан, бугунги эшитув узлуksиз таълим тизимининг бошланғич босқичи — болаларни мактабгача таълим муассасаларига жалб этишнинг ҳолати ва истиқболларига бағишлангани айна мuddао бўлди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур соҳада эришилаётган ютуқлар билан бирга айрим камчиликлар ҳам кўзга ташланади. Жумладан, болаларни мактабга тайёрлашнинг қисқа мuddатли тайёрлов гуруҳларига эътиборни янада кучайтириш лозим. Шунингдек, мактабгача таълим муассасаларига янада кенгроқ шароитлар яратиш, имтиёзлар беришга қаратилган норматив-ҳуқуқий базани янада мустаҳкамлаш зарурати мавжуд. Бу борадаги ишларни жонлантиришда ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда тақлифларини



Жаҳонгир БОБОЕВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Парламент эшитувида соҳада эришилган салмоқли ютуқлар билан бир қаторда йўл қўйилган айрим камчиликлар, уларни бартараф этиш ва бу борада олдимизда турган галдаги вазифалар ҳам муҳокама қилинди.

Маълумки, боланинг интеллектуал ривожланишида миллий ўйинчоқларнинг аҳамияти жуда катта. Лекин бугунги кунда мактабгача таълим муассасаларида ўйинчоқлар асосан тарбиячилар томонидан тайёрланаётганлигини кузатиш мумкин. Бу борадаги масалаларни бартараф этиш учун партиямиз сайловолди Платформасида илгари сурилган "устоз-шогирд" аънаваларини жорий қилиш орқали самарадорликка эришиш мумкин. Шу нукта назардан, молия институтлари иштирокида инвестицион лойиҳалар амалга оширишни кучайтиришга қаратилган қатор тақлифлар билдирилди. Ўрни келганда таъкидлаш жоизки, жойларда сайловчилар билан учрашганимизда болаларни мактабгача таълим муассасаларига жалб қилиш, соҳанинг давлат ва нодавлат тизимини ривожлантириш юзасидан қатор масалалар кўтарилади. Мазкур парламент эшитуви бу борадаги барча саволларга жавоб топиш имконини берди. Йиғилишда соҳани янада ривожлантиришга доир қўлаб тавсия ва тақлифлар билдирилди. Уларни ҳар биримиз ўзимиз сайланган ҳудудга бориб, амалга оширишга ҳаракат қиламиз.

— Парламент эшитувида соҳада эришилган салмоқли ютуқлар билан бир қаторда йўл қўйилган айрим камчиликлар, уларни бартараф этиш ва бу борада олдимизда турган галдаги вазифалар ҳам муҳокама қилинди.

Маълумки, боланинг интеллектуал ривожланишида миллий ўйинчоқларнинг аҳамияти жуда катта. Лекин бугунги кунда мактабгача таълим муассасаларида ўйинчоқлар асосан тарбиячилар томонидан тайёрланаётганлигини кузатиш мумкин. Бу борадаги масалаларни бартараф этиш учун партиямиз сайловолди Платформасида илгари сурилган "устоз-шогирд" аънаваларини жорий қилиш орқали самарадорликка эришиш мумкин. Шу нукта назардан, молия институтлари иштирокида инвестицион лойиҳалар амалга оширишни кучайтиришга қаратилган қатор тақлифлар билдирилди. Ўрни келганда таъкидлаш жоизки, жойларда сайловчилар билан учрашганимизда болаларни мактабгача таълим муассасаларига жалб қилиш, соҳанинг давлат ва нодавлат тизимини ривожлантириш юзасидан қатор масалалар кўтарилади. Мазкур парламент эшитуви бу борадаги барча саволларга жавоб топиш имконини берди. Йиғилишда соҳани янада ривожлантиришга доир қўлаб тавсия ва тақлифлар билдирилди. Уларни ҳар биримиз ўзимиз сайланган ҳудудга бориб, амалга оширишга ҳаракат қиламиз.

Жамила НИЁЗОВА, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Тадбирда бугунги кунда мамлакатимизда мактабгача таълим муассасаларида тарбияланувчиларни интеллектуал, жисмоний, ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, умуминсоний қадриятлар билан таништириш, болаларни мактабга сифатли тайёрлаш мақсадида турли тўғарақлар, маънавият ва экология хоналари, кичик музей ва кутубхоналар ташкил этилганлиги таъкидланди. Зеро, давлатимиз раҳбарининг "Юксак маънавият — энгилмас куч" асарида таъкидланганидек: "Кўп йиллик илмий кузатишлар ва тадқиқотлар шуни кўрсатадики, инсон ўз умри давомида оладиган барча информацияларнинг 70 фоизини 5 ёшгача бўлган даврда олар экан". Шу нукта назардан фарзанд тарбиясида мактабгача таълим муассасалари муҳим аҳамият касб этади.

Парламент эшитувида партиямиз дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш мақсадида Давлат дастурини қабул қилиш, муассасаларга қатнамайдиган болалар учун мўлжалланган қисқа мuddатли гуруҳларни ташкил этишни кучайтириш юзасидан тақлиф ва тавсиялар билдирилди.



Қамолiddин ХОТАМОВ, "Milliy tiklanish" мухбири

Оиланинг ҳуқуқий асоси

ТАЪМИНЛАНИШИДА НИКОХ ШАРТНОМАЛАРИ БЕКИЁС АҲАМИЯТГА ЭГА

Инсон оилада дунёга келиб, шу маконда тарбияланади, шахс сифатида шаклланади. Шу боис ҳар жиҳатдан қомил фарзандларни тарбияловчи омил ҳисобланган оилалар мустақамлигини таъминлаш давлатимиз сиёсатининг устувор вазифалари сирасига киради.

Азалдан юртимизда оила муқаддас кўргон саналиб, унинг мустақамлиги оилавий турмуш тарзининг энг муҳим фазилатлари ҳисобланган. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Оила кодекси ва бошқа қатор қонун ҳужжатларида оила ва оила муносабатларининг ҳуқуқий асослари ўз аксини топган.

ЎЗМТДП Олмасор туман Кенгаши "Аёллар қаноти" ва "Ёшлар қаноти" ташаббуси билан "Ёш оилалар мустақамлигини таъминлашда никоҳ шартномалари ва маънавий тарбиянинг аҳамияти" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда партия туман Кенгаши аъзолари, халқ депутатлари туман Кенгашига ЎЗМТДПдан сайланган депутатлар, "Аёллар қаноти" ва "Ёшлар қаноти" етакчилари ҳамда ёшлар иштирок этди.

Давра суҳбатини кириш сўзи билан оған партия Олмасор туман Кенгаши раиси ўринбосари Раваҳан Омонов Ўзбек оиласининг бағрикенглиги, меҳнатсеварлиги, миллий, умуминсоний фазилатлари, оилада маънавий бойиши, оила аъзоларини руҳий қўллаб-қувватлаш, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, Конституция ва қонунларимизда никоҳ ва оила муносабатларининг акс этиши ҳамда ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда чуккур билимли ва маънавиятли бўлишининг аҳамияти ҳақида атрафлича фикр юритди.

— Партияимиз шахсининг шаклланишида оиланинг ўрни бекиёс эканлигидан келиб чиқиб, оила институти ва унинг қадриятларини мустақамлаш борасида аниқ мақсадга қаратилган иш олиб бориш, "Юксак маънавиятли оила орқали юксак тараққиёт сари" деган ғояга асосланган ижтимоий-маънавий лойиҳа яратиш ва уни амалга оширишни ўз сарҳадларида Платформасида илгари сурган, — деди ЎЗМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони етакчи мутахассиси Маъсуда Поёнова. — Шу боис партиянинг барча даражадаги ташкилотлари томонидан сайловолди Платформасида илгари сурилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш, ЎЗМТДП гоёяси ва мақсадларини кенг жамоатчилик орасида тарғиб қилишга қаратилган ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур тадбир ҳам ёшларга оила муқаддаслиги, унинг мустақам бўлишида никоҳ шартномаларининг аҳамияти борасида билим ва кўникмалар беришда муҳим аҳамият касб этди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

● БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ — БОШ ТАЯНЧИМИЗ

Бугун юртимизда давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш йўлида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Мазкур жараёнда сиёсий партияларнинг ўрни ва роли тобора кучайиб бормоқда. Амалга оширилган ислохотлар жараёнида фаол иштирок этиш, сайловчиларни ўйлантираётган масалалар ечимига қаратилган муқобил тақдир ва ташаббусларни илгари суртиш, электрот манфаатларини ҳимоя қилиш сиёсий партиялар олдида турган муҳим вазифалар сирасига киради.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси мамлакатимизда амалга оширилган демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш, кенг жамоатчиликнинг ҳуқуқий билимларини юксалтириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада оширишни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган. Бу жараёнда бошланғич партия ташкилотлари зиммасига алоҳида масъулият юклянди.

Айни пайтда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Данғара туман Кенгаши қошида фаолият юритаётган, ўзида 347 нафар партия аъзосини бириштирган 8 та БПТ ЎЗМТДП дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш, партияимиз гоёясини жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилишда фаол иштирок этиш келмоқда. Жумла-

дан, турли тарғибот тадбирлари ва учрашуларда сайловчилар ҳамда электротимиз томонидан кўтарилган муаммоларни чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш, уларни партия ташкилотлари ҳамда маҳаллий кенгашларга, партияимиздан сайланган депутатлар ихтиёрига ҳавола қилиш орқали ечимини топишга кўмаклашмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ҳудуддаги "Наймачча" қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли "Чомоч" қишлоғида ташкил этилган бошланғич партия ташкилоти ЎЗМТДП дастурий мақсадларини аҳоли орасида тарғиб этиш, фуқаролар сиёсий-ҳуқуқий билиминини юксалтириш йўлида самарали фаолият юритиб келаётган куйи бугунлар сирасига киради.

— Тарғибот ишларимизда партияимиз дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда соғлом ва барқамол, ватанпарвар ва миллий ғояга содиқ фарзанд-

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

● ЁШЛАР ФОРУМИ



Чемпионлар — ёшлар даврасида

ЎЗМТДП СПОРТНИ ЁШЛАР ЎРТАСИДА ТАРҒИБ ҚИЛМОҚДА

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси бугунги кунда меҳр-оқибат, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик каби олийжаноб фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат, Ватан тақдир ва келажига дахлдорлик туйғусини ёшлар қалбига синдириш учун аниқ тизим асосида фаол ҳаракат олиб бормоқда.

"Барқамол ёшлар — обод Ватан келажиги" шиори остида кўплаб тадбир, учрашулар ташкил қилиниб, давра суҳбатлари ўтказилди. Шундай форумлардан бири "Чемпионлар — ёшлар даврасида" деб номланиб, ЎЗМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши "Ёшлар қаноти" ташаббуси билан ташкил қилинди. Тадбирда Олий Махлис Қонунчилик палатасидаги ЎЗМТДП фракцияси аъзолари, партия Тошкент шаҳар Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони ходимлари, Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси раҳбарлари, футбол бўйича ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионати ғолиблари ва ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий қудратини ошириш, юксак маънавиятли, соғлом ва ҳар томонлама барқамол авлодни шакллантириш, ёшлар ўртасида спорт турларини омдалаштириш, жаҳон ареналарида юртимиз байроғини баланд кўтарадиган спортчиларни тарбиялашга кўмаклашишга муносиб ҳисса қўшишга интиломоқда.

Олий Махлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎЗМТДП фракцияси аъзоси Жаҳонгир Бобоев ўз маърузасида юқоридагиларни таъкидлаган ҳолда шундай деди:

— Истиклол аталмиш неъмат ўзлигини англаш, мустақил давлат сифатида Ўзбекистоннинг улкан салоҳиятини бутун дунёга намойиш қилиш имконини берди. Мустақиллик шарофати билан бизни жаҳон таниди, халқимизнинг фидокорона меҳнати, ёшларимизнинг ғайрат шижоати ила Ватанимизнинг шон-шуврати олам узра янада кенгроқ ёйилмоқда. Осиё чемпиони бўлган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоасининг улкан ютуғи мана шу имкониятлар натижасидир. Ўрни келганда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси спорт соҳасини янада ривожлантиришга кўмаклашиш ҳамда соҳа ходимларини рағбатлан-

тиришни энг асосий вазифаларидан бири, деб билади.

Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси бош мураббийи Дилшод Нуралиев ёшлар билан ўзбек футбол тарихида илк бора Осиё чемпиони унвонини қўлга киритган терма жамоа устози сифатида Эронда бўлиб ўтган 2012 йилги ўсмирлар Осиё чемпионатидаги таассуротлари, шунингдек, келажак режалари билан ўртоқлашди:

— Олдимизда фақат бир мақсад бор эди — Осиё чемпиони бўлиш. Финалдаги рақибимиз Япония ўсмирлар терма жамоасининг қандай кучга эга эканлигини яхши билардик, чунки уларга қарши бир неча марта ўртоқлик учрашуларидан майдонга тушгандик. Шогирдларим охиригача кураш олиб боргани, бор кучи билан майдонда ҳаракат қилгани учун уларга раҳмат айтаман. Ўзбекистон мавқени юқори кўтара олганимиздан ҳаммаимиз шод бўлдик. Чемпионликни қўлга киритган вақтдаги ҳисларимизни сўз билан ифодалаб бериш мушкул. 2013 йилги Бирлашган Араб Амирликларида бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатига тайёргарликни аллақачон бошлаб юборганмиз. Чемпионатда муносиб иштирок этиб, ғалаба билан қайтишга ваъда берамиз.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг спорт соҳасини тарғиб қилишдаги фаоллиги бизни ўзига жалб этди. Бундан кейин ёшлар ўртасида спортни тарғиб қилишда партия билан ҳамкорликда амалий ишлар олиб боришни кўзлашмоқчимиз.

Тадбирда ёшлар томонидан футбол бўйича Ўсмирлар терма жамоаси бош мураббийи ва терма жамоа аъзоларига бир қатор саволлар берилди. Тадбир сўнгига футбол бўйича Ўсмирлар терма жамоаси бош мураббийи Д.Нуралиев ва жамоа тренери С.Абдурауфова тантили равишда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг аъзолик гувоҳномаси топширилди. Шунингдек, ўзбек эстрадасининг ёрқин юлдуз-

лари ўзларининг куй-қўшиқлари билан чемпион ёшларни қутладилар.

Акобир ТЎРАЕВ, терма жамоа аъзоси:

— Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга катта эътибор қаратиляпти ва бугунги кунда ёшларнинг спортга қизиқиши кучайиб бормоқда. Эгчил, чакқон, мард ва жасур спортчи йигит-қизларни дунё тан олмақда. Спорт нафақат жисмоний, балки маънавий камолотга етишишда ҳам муҳим омилдир. У иродани тоблайди, аниқ мақсад сари интилиш, қийинчиликларни бардош ва чидам билан енгишга ўргатади. Инсон қалбига ғалабага ишонч, гурур ва ифтихор туйғуларини тарбиялайди. Юртобимиз таъкидлаганларидек, соғлом, билимли ва фидойи фарзандлари бўлган халқ, албатта, ўзининг буюк келажигини барпо этади. Халқимиз ишончини оқлаш ва юртимиз доғругини дунёга ёйишда бор имкониятимизни ишга соламиз.

Шерзод ХОЛМАТОВ, иштирокчи:

— Буюк маънавий мерос ва миллий қадриятларимиздан маълумки, қадимда ота-боболаримиз ўз наслларини умумбашарий туйғулар, миллий анъаналаримиз руҳида, соғлом тарзда тарбия қилиб келганлар. Бу тақриба асрлар давомида тилимиз, дилимиз, динимиз ва ўзбекнинг ўзлигини ҳар томонлама бойитиб келмоқда. Мана шу қадриятларимизни асраб-авайлаш, миллий меросимизни ёш авлодга етказишда ЎЗМТДПнинг саъй-ҳаракатлари таҳсинга сазовор. Партия ташаббуси билан ўтказиб келинаётган тадбирларда доимий равишда иштирок этман ва шуни таъкидлаш керакки, барча амалий ишларнинг негизида ёшлар маънавиятини юксалтириш, ҳаётда ўз ўринларини топишишга кўмаклашиш ҳамда уларни Ватанга содиқлик руҳида тарбиялаш каби мақсад-вазифалар ётади. Жумладан, бугунги форум ҳам ёшларни ана шундай мақсадлар сари интилишга ундайди.

Нозима ХАМРОҚУЛОВА, ЎЗМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши "Ёшлар қаноти" етакчиси, МУХТАМАР КОМИЛОВА, "Milliy tiklanish" мухбири

Тарғибот тадбирлари

ДАСТУРИЙ МАҚСАДЛАР ИЖРОСINI ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛДИ

НАВОИЙ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Навоий вилоят Кенгаши "Аёллар қаноти" ҳамда "Хунарманд" уюшмаси вилоят бўлими ҳамкорлигида "Маҳаллаларда касаначилик ва хунармандчиликни ривожлантириш — ЎЗМТДП эътиборида" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Унда партия Навоий вилоят ва шаҳар Кенгашлари етакчилари, "Аёллар қаноти" фаоллари, "Хунарманд" уюшмаси вилоят бўлими аъзолари ва маҳалла фуқаролар йиғинларининг масъул котиблари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун кулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президент Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "Оилавий тадбиркорлик ҳамда хунармандчилик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мазмун-моҳиятини тушунириш, улар ижросини таъминлашда маҳаллий Кенгаш депутатлари ҳамда партия фаоллари олдида турган долзарб вазифаларга эътибор қаратилди.

— Халқ хунармандчилигига хос бўлган "устоз-шогирд" анъанавий мактабларини янада ривожлантириш учун шароитлар яратишга кўмаклашиш ЎЗМТДП дастурий мақсадларидан биридир, — деди халқ депутатлари Навоий шаҳар Кенгашига ЎЗМТДПдан сайланган депутат Камолитдин Нурмуродов. — Шу боис мулоқот доирасида вилоятнинг энг чекка ҳудудларида ҳам миллий хунармандчиликни ривожлантириш, маҳаллаларда оилавий тадбиркорлар сонини кўпайтириш ва соҳага ёшларни кўпроқ жалб қилган ҳолда, "устоз-шогирд" анъанасини давом эттириш борасида аниқ тақлиф ҳамда мулоҳазалар билдирилди. Шунингдек, соҳага оид қонунчиликни янада такомиллаштиришда партиянинг барча даражадаги депутатлари ташаббус ва фаоллик кўрсатишлари зарурлиги таъкидланди. Давра суҳбатидан сўнг шу соҳага оид айрим муаммоларни туман кенгаши сессиясига олиб чиқишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

СУРХОНДАРЁ

ЎЗМТДП Ангор туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси ҳамда Янгиобод ҚФЙ ҳамкорлигида "Миллий маънавиятнинг тикланишида ЎЗМТДПнинг ўрни" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Унда партия Ангор туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси ходимлари, халқ депутатлари туман кенгашига ЎЗМТДПдан сайланган депутатлар, "Камолот" ЕИҲ туман бўлими кенгаши ва "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлими вакиллари, маҳалла фаоллари ҳамда ёшлар иштирок этди.

Давра суҳбатида "Истиклол йилларида мамлакатимиз ҳаётида юз берган ўзгаришлар", "Демократик ва эркин фуқаролик жамияти қуришида ЎЗМТДПнинг ўрни" ва "Ёшлар — эркин ва фаровон ҳаёт яратувчилари" каби долзарб мавзуларда маърузалар тингланди.

— Аҳолининг ижтимоий-сиёсий саводхонлигини юксалтириш, хотин-қизларнинг жамиятдаги фаоллигини янада ошириш, ёшларни ҳар томонлама билимли ва етук инсонлар қилиб воғга етказишга кўмаклашиш партияимизнинг асосий мақсадлари сирасига киради, — деди ЎЗМТДП Ангор туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Г.Ахмедова. — Бу борада партия вилоят ҳамда туман Кенгашлари томонидан аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида ЎЗМТДП гоёяси, дастурий мақсад ва вазифаларини тарғиб қилиш, миллий ғоя ва Ватанимиз миллий манфаатларига содиқ, билимли йигит-қизларни тарбиялашга қаратилган қатор тадбирлар ташкил этилмоқда. Бугунги тадбир ҳам ёшлар оғинга ватанпарварлик туйғусини сингдириш, миллий маънавиятнинг қадимий илдизларини янада тيرانроқ англашларига кўмаклашиш ва мустақилликни мустақамлаш йўлида янги ғояларни илгари суртишларга туртки бериш ҳамда уларни оғоҳликка даъват этишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

ҚАШҚАДАРЁ

Маънавият инсонни руҳан поклаб, иймон эътиқодини бутун қиладиган, эзгу амалларга чорлайдиган бекиёс кучдир. Ўсиб келаятган ёш авлодини маънавиятли, маърифатли, ватанпарвар, миллий ғояга содиқ инсонлар қилиб тарбиялашга кўмаклашиш ЎЗМТДП сайловолди Платформасида илгари сурилган муҳим вазифалар сирасига киради. Шу боис партия томонидан жойларда ташкил этилаётган тадбирларнинг аксарияти ёшлар маънавиятини юксалтиришга бағишланмоқда.

ЎЗМТДП Миришкор туман Кенгаши, туман Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими билан ҳамкорликда "Ёшлар — эртанги кун яратувчилари" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда ЎЗМТДП Миришкор туман Кенгаши аъзолари ва фаоллари, халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари, туман Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ходимлари иштирок этди.

— Мустақиллик шарофати билан халқимиз тарихи, бетакдор маънавий мероси, миллий урф-одат ва анъаналари қайта тикланди. Одамларнинг дунёқараши тубдан ўзгариб, Ватан тақдирини ва истиқболга дахлдорлик туйғуси маънавий ҳаётимизнинг узвий қисмига айланганини алоҳида таъкидлаш жоиз, — деди ЎЗМТДП Миришкор туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Й.Очилов. — Бу жараёнда юқори босқичга олиб чиқиш сиёсий партияларга алоҳида масъулият юкляйди. Шу боис биз маҳаллий кенгаш депутатлари ва партия фаолларини бир ерга жамлаб ёшларга Президент асарлари моҳияти, мамлакатимиз қонунчилик тизими ҳақида мунтазам тушунириш ишлари олиб боришга ҳаракат қилаёلمиз. Эртанги эгаларнинг ҳақиқий ватанпарвар, юрт учун фидойи бўлишларида амалга ошираётган тарғибот ишларимиз самараси партия мақсад ва вазифалари тарғиботи йўлидаги тадбирларнинг янада жонли ўтишига қанот бахш этмоқда.

Тадбирда сўзга чиққанлар воғга етмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқ ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги ишларни янада жонлантириш, ёшларда мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларга нисбатан дахлдорлик туйғусини шакллантириш борасидаги ишларни янада кучайтириш лозимлигини эътироф этишди.

ФАРҒОНА

ЎЗМТДП Фарғона туман Кенгаши томонидан "Маҳалла — бетакдор миллий ва демократик қадрият" мавзусида маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.

— Ёш авлод тарбиясида халқимизнинг буй маънавий, маданий ва ахлоқий меросига таяниб иш олиб бориш муҳим аҳамият касб этади, — деди ЎЗМТДП туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Ф.Нигматов. — Шу боис партияимиз дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда маҳаллалар билан ҳамкорликда миллий анъана, урф-одат ва қадриятларимизни асраб-авайлаш, уларни янада ривожлантириш ва келажак авлодларга ўз ҳолча етказишга қаратилган қатор тарғибот тадбирлари ташкил этилмоқда. Унда иштирокчиларга ЎЗМТДП позицияси ва сайловолди Платформаси ҳақида ҳам тушунарлар берилиши, ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини юксалтириш билан бир қаторда, партияимиз хайрихоҳлари сафи кенгайишига имкон яратмоқда. Тадбирда иштирокчилар истиклол туғайли маҳалла қадриятлари қайта тикланиб, мазкур институтининг фуқаролар ҳаётидаги аҳамияти тубдан ўзгаргани, замон талаблари асосида янада бойиб бораётгани ҳамда ўзини ўзи боқариш органларининг ҳуқуқ ва воқолат доираси кенгайиб, улар ҳақиқий демократик ва ахлоқий дарсхона сифатида фуқароларга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидланди.

Йиғилишда партия Фарғона туман Кенгаши аъзолари, халқ депутатлари туман Кенгашига ЎЗМТДПдан сайланган депутатлар, "Ёшлар қаноти" ва "Аёллар қаноти" етакчилари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлими вакиллари ҳамда "Шоҳимардон" МФЙ фаоллари иштирок этди.

Шоҳида ДАМАНОВА, "Milliy tiklanish" мухбири

● Кучли қуйи бўғин

УНИНГ ВОСИТАСИДАГИНА САМАРАЛИ ФАОЛИЯТ ТАЪМИНЛАНАДИ

ларни воғга етказишга кўмаклашиш масаласи устувор бўлиб турибди, — дейди БПТ раҳбарини, халқ депутатлари туман Кенгашига ЎЗМТДПдан сайланган депутат қилувчи фуқаролардан мурожаатлар келиб тушмоқда.

ЎЗМТДП Данғара туман Кенгашида фаолият юритаётган намунали БПТлардан яна бири "Жилва" МФИда жойлашган. Мазкур куйи бўғин етакчиси халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Мунисхон Қовлонбоева бўлади.

— БПТлар партиянинг кўзгу-синобадиди, — дейди у. — Шу боис куйи бўғин етакчиси, аввало, ўз вазифасини сидқиқидилан амалга ошириши, атрафига ҳар томонлама теран, зукко ва ташаббускор аъзоларни бириштириши керак. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида партия туман Кенгаши, халқ депутатлари туман Кенгашига ЎЗМТДПдан сайланган депутатлар, давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликда ўттиздан ортиқ тарғибот тадбирлари ташкил этдик. Партия дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, "Мустақам оила — жамият таянчи", "Мустақиллик ва миллий маънавиятнинг тикланиши-

лаш борасида қатор тарғибот ишлари олиб боришмоқда. БПТ фаоллари партиядан сайланган депутатлар билан доимо алоқаша. Куйи бўғинга ҳудудда истиқомат қилувчи фуқаролардан мурожаатлар келиб тушмоқда.

ЎЗМТДП Данғара туман Кенгашида фаолият юритаётган намунали БПТлардан яна бири "Жилва" МФИда жойлашган. Мазкур куйи бўғин етакчиси халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Мунисхон Қовлонбоева бўлади.

— БПТлар партиянинг кўзгу-синобадиди, — дейди у. — Шу боис куйи бўғин етакчиси, аввало, ўз вазифасини сидқиқидилан амалга ошириши, атрафига ҳар томонлама теран, зукко ва ташаббускор аъзоларни бириштириши керак. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида партия туман Кенгаши, халқ депутатлари туман Кенгашига ЎЗМТДПдан сайланган депутатлар, давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликда ўттиздан ортиқ тарғибот тадбирлари ташкил этдик. Партия дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, "Мустақам оила — жамият таянчи", "Мустақиллик ва миллий маънавиятнинг тикланиши-

да ЎЗМТДПнинг ўрни", "Фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ва сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ЎЗМТДПнинг муҳим вазифалари", "Миллий тикланиш гоёяси миллий тараққиёт таянчи ва асосидир", "Бошланғич партия ташкилотлари фаоллигини оширишнинг самарали йўллари", "Депутат ва ёшлар" каби мавзуларда қатор тадбир, учрашув ва давра суҳбатлари ўтказиб келинмоқда. Бу, ўз навбатида, нафақат бошланғич партия ташкилоти фаоллари, балки туман Кенгашига партияимиздан сайланган депутатларни ҳам бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, ўз ишига янги талаблар билан ёндашишга ундамоқда.

Мухтасар айтганда, Данғара туманида фаолият юритаётган бошланғич партия ташкилотлари бир мақсад — ЎЗМТДП гоёяси ва дастурий мақсадларини тарғиб қилиш ва аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий билимларини юксалтириш йўлида самарали фаолият олиб бормоқда.

Нигора КАМБАРОВА, ЎЗМТДП Фарғона вилоят Кенгаши етакчи мутахассиси

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

● ФРАКЦИЯ ҲАЁТИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Қонун лойиҳасининг асосий мақсади микроолиялаш соҳасидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш ва микрокредит ташкилотлари тизимини ривожлантириш, микроолиялаш соҳасининг самардорлигини таъминлаш мақсадида халқаро тамойиллар ва стандартлар асосида назорат қилиш ва тартибга солишнинг таъсирчан механизмларини жорий қилишга қаратилган, — деди ЎзМТДП фракцияси аъзоси С.Отамуродов. — Шу нуқтаи назардан мазкур ҳуқуқий ҳужжат ЎзМТДП дастурий мақсадларида кўзда тутилган Ўзбекистоннинг миллий манфаатлари йўлида амалга оширилаётган кучли ташқи иқтисодий стратегияни рўйбга чиқариш, давлатни иқтисодий ривожлантириш ва унинг иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлаш каби масалаларда муҳим ўрин тутadi.

Депутатлар «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Лойиҳа фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мулкани муҳофаза қилиш, уларнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда давлат ва жамият манфаатларини ҳимоялаш, автомобилларда ташвиш сифати ва хавфсизлигини янада ошириш мақсадида ишлаб чиқилган. Фракция аъзолари томонидан ушбу ҳужжат ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналишлари ва принципларини, шунингдек, ҳаракат хавфсизлигини ташкил этиш ва таъминлашнинг зарурий ва мақсадли йўналишларини белгилаб, транспорт воситалари ва уларнинг ҳижолаари, автомобиль йўлларининг техник ҳолатига бўлган талабларни янада аниқ-



Юрт равнақи ва халқ фаровонлиги

Йўлидаги қонун лойиҳалари ЎзМТДП ЭЛЕКТОРАТИ МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

лаштиришга хизмат қилиши таъкидланди. Қун тартибидоги навбатдаги масала «Ишбилармонлик муҳити янада тубдан яхшилангани муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам депутатлар томонидан муҳокама қилинди.

— Мамлакатимизда ишбилармонларнинг янада эмин-эркин фаолият юритишлари учун қулай ҳуқуқий имкониятларни яратиш мазкур қонун лойиҳасининг асосий мақсади, — деди ЎзМТДП фракцияси аъзоси М.Ражабова. — Унга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, Божжона, Солиқ кодекслари ҳамда «Масъулият чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги, «Қимматли қоғозлар бозори

тўғрисида»ги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш орқали тадбиркорларга бир қатор имтиёз ва энгилликлар яратилмоқда. Бу ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган аҳоли турмуш даражасини реал ва жиддий оширишда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, касаначилар, оилавий бизнес ва хунармандчилик билан шуғулланаётган фуқароларни ҳар томонлама қўллаб қувватлашнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилади.

Фракция йўлида «Хусусий банклар ва молия институтлари ҳамда уларнинг фаолияти кафолатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Ушбу қонун лойиҳасининг асосий мақсади хусусий банклар ва молия институтлари фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш ва уларнинг фаолияти кафолатларини таъминлаш, хусусий мулкка асосланган хусусий банклар

ва молия институтларини ташкил этишнинг қонуний асосларини яратиш, банк ва бошқа молиявий бозорларда миқозларга кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш, шунингдек, замонавий бозор инфратузилмасини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратишдан иборат.

Йўлида сўз олган фракция аъзолари қонун лойиҳаси ЎзМТДПнинг дастурий мақсадлари ҳамда сайловолди Платформасида белгиланган вазибаларга тўлиқ мос келишини таъкидлашди.

Депутатлар «Тадбиркорлик фаолияти соҳасида руҳсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини муҳокама қилишди. Унда тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги руҳсат бериш тартиб-таомилларининг асосий принциплари, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг устуворлиги, руҳсат бериш тартиб-таомиллари соҳасидаги ваколатли органларнинг ваколатлари, бу борадаги ҳужжатларни бериш, амал қилиш тартиби, аризаларни кўриб чиқиш муддати каби масалалар қонун йўли билан муस्ताҳкамлаб қўйилмоқда.

Йўлида шунингдек, «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макрокотисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига асосан тайёрланган. Ушбу ҳуқуқий ҳужжат фуқароларни иқтисодий қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга замин яратди. Кизгин муҳокамадан сўнг ушбу қонун лойиҳаси ҳам бир овоздан қўллаб-қувватланди.

Йўлида қўрилган масалалар юзасидан фракциянинг тегишли қарори қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз

Абдулла НАБИЕВ, ЎзМТДП Қашқадарё вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони жамоатчилиги билан алоқалар ва ОАВ билан ишлаш бўлими мутахассиси:

— Мамлакатимизда фаолият юритаётган ҳар бир сиёсий партия ўз мафқураси ва гоёси, дастурий мақсад-вазифалардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида фаол иштирок этишга интилмоқда. Бу жараён, айниқса, партия фаолиятининг кўзгуси бўлмиш матбуот хизмати фаолиятини янада такомиллаштиришни тақозо этади. Ушбу мақсадни амалга оширишда эса мазкур ўқув-семинарнинг аҳамияти катта бўлмоқда. Уни вилоятнинг барча туман партия Кенгашларида ташкил этиб келмоқдамиз. Фаолиятимизга берилган танқидий баҳодан тўғри хулоса чиқарган ҳолда партия ходимлари ва фаолларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини ошириш, мамлакатимизда рўй бераётган ислохотлар ва партиялараро баҳсдан хабардор этиб бориш мақсадида ҳафтада бир марта матбуот эшитуву кунини ташкил этганмиз.

Камола АБДУВАЛИЕВА, ЎзМТДП Андижон вилоят Кенгаши матбуот котиби:

— Жамоатчилик билан алоқалар ва ОАВ билан ишлаш бўлимида ойлик медиа план асосида иш юритиш тизимини жорий этганмиз. Мазкур медиа план асосида маҳаллий кенгашлар фаолияти, ташкил этилаётган тадбирлар ва депутатларнинг оммавий ахборот воситаларида чиқиллари йўлга қўйилган. Шунингдек, мазкур вазибаларни янада самарали амалга ошириш мақсадида барча туман кенгашлари жамоатчи мухбирлар жалб этилган. Улар ЎзМТДП дастурий вазибаларини аҳолининг барча қатламларига етиб бориши ва партия тадбирлари ҳамда депутатларнинг маҳаллий ОАВдаги чиқилларини ташкил этишда фаоллик кўрсатишмоқда. Яқинда жамоатчи мухбирлар фаолиятини ривожлантириш бўйича ўқув-семинар ўтказдик. Унда жами 16 нафар мухбир партиявий билим ва кўникмаларини юксалтириш имконига эга бўлди. Шунингдек, улар меҳнатига муносиб жавоб қайтариш ва рағбатлантириш мақсадида жамоатчи мухбирлар ўртасида кўрик-танлов ташкил этилиб, ЎзМТДП Жалақудж, Бўз ва Марҳамат туман Кенгашларининг жамоатчи мухбирлари партиянинг эсдалик совғаси ва дипломларига эга бўлишди. Партия Кенгашиимизнинг бундай тажрибаси фаолиятимизда самаралар бермоқда.

Шоҳида ДАМАНОВА, «Milliy tiklanish» мухбири

● ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНING 20 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Мудофаа ва хавфсизлигимиз

ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Хусусан, БМТ Низомида, халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш, тажовуз ҳаракатлари ёки тинчликка раҳна солувчи бошқа ҳаракатларни бостириш учун биргаликда самарали чоралар кўриш ҳамда адолат ва халқаро ҳуқуқ принципларига асосланган ҳолда тинчлик воситаларидан фойдаланиб, тинчликнинг бузилишига олиб келувчи халқаро низо ёки вазиятларни тинчитиш ёки ҳал этиш белгилаб қўйилган (БМТ Низомининг 1(1)-моддаси). Шунингдек, БМТнинг барча аъзолари халқаро тинчлик, хавфсизлик ва адолатни таҳдид остига қўймаслик учун ўзларининг халқаро низоларини тинчлик воситалари билан ҳал қилдилар (БМТ Низомининг 2(3)-моддаси).

Бинобарин, Юртбошимизнинг мудофаа ва хавфсизликка оид ташаббус ва тақлифлари Конституция ва соҳага оид қонунчиликнинг вужудга келиши ва ривожлантиришнинг асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Биринчидан, Ватанини ҳимоя қилиш фуқароларнинг бурчлари билан бири ҳисобланади. Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатига оид нормалар (78-модда 18,19 бандлари). Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари (93-модда 18,19,20 бандлари). Туртинчидан, мудофаа ва хавфсизликка оид махсус (ХХV) бобда этилганлигидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мудофаа ва хавфсизликка оид 52-моддасида фуқароларнинг энг муҳим бурчи сифатида Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш қайд этилган. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ёки муқоаб хизматни ўташга мажбурдирлар. Асосий Қонунимизнинг 78-моддасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатлари жумласига, биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасига ҳужум қилингандоки тажовуздан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти туғилганда уруш ҳолати эълон қилиш тўғрисидаги фармонларни тасдиқлаш; иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг амал қилишини ўзайтириш ёки тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш қабилар қиради.

Низомнинг 93-моддаси Ўзбекистон Республикасининг Президенти ваколатларига бағишланган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасига ҳужум қилингандоки тажовуздан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти туғилганда уруш ҳолати эълон қилади ва қабул қилган қарорини уч кун ичида Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси палаталарининг тасдиғига киритилади; фавқулодда вазиятлар (реал ташқи ҳавф, оммавий тартибсизликлар, йирик ҳалокат, табиий офат, эпидемиялар) юз берган тақдирда фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлашни кўзлаб, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки унинг айрим жойларида фавқулодда ҳолат жорий этиши ва қабул қилган қарорини уч кун ичида Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисининг палаталари тасдиғига киритилади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг алоҳида ХХV боби мудофаа ва хавфсизликка бағишланган ва унда

ҳаволаки ҳамда императив қонунчиликнинг устувор манбаси сифатида ифода этиб берилганлигидан далолат беради. Чунончи, Конституциянинг 125-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилади. Қуроли Кучларнинг тузилиши ва уларни ташкил этиш қонун билан белгиланади. Асосий Қонунимизнинг 126-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси ўз хавфсизлигини таъминлаш учун етарли даражада Қуроли Кучларга эга.

Муस्ताқил давлатимизнинг бу борадаги тарихий қонун ҳужжатларини ёдга оладиган бўлсак, давлатимиз раҳбарининг муस्ताқил Республика сифатида илк эълон қилган ҳужжатларидан бири 1991 йил 6 сентябрдаги «Мудофаа ишлари вазирлигини тузиш тўғрисида»ги Фармони ҳамда 1991 йилнинг 31 августидо қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида»ги Қонуни алоҳида ўрин тутadi. Ушбу муҳим тарихий-ҳуқуқий ҳужжат, қолаверса, «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида»ги баёнот ҳарбий сиёсатни амалга ошириш, ўз Қуроли Кучларимизни тузиши-хисоб қилиш ҳуқуқий асос бўлиб ҳисобланади.

Шунингдек, мустақиллик йилларида мудофаа қудратимизнинг нафақат конституциявий асослари, балки соҳага оид миллий қонунчилик тизимига асос солинди. «Ўзбекистон Респуб-

Конституциямиз Ўзбекистоннинг тинчликсевар сиёсатини дунёга намойиш этишнинг яққол намунаси бўлиб ҳисобланади. Айниқса, Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилишнинг бошқа чоралари билан бир қаторда ижтимоий-ҳуқуқий тадбирларнинг узокни кўзлаб тизимли амалга оширилиши Қуроли Кучларимизнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш борасида Юртбошимиз Ислам Каримов кўйган вазибаларни рўёбга чиқаришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

ликасининг Ҳарбий доктринаси», «Мудофаа тўғрисида»ги, «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Қуроли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида»ги Қонунлар, бир қатор Президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 4 июлдаги «Мудофаа тўғрисида»ги Қонунининг 2-моддасига кўра, мудофаа деганда Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, ҳудудий яхлитлиги, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилишнинг бошқа чоралари билан бир қаторда ижтимоий-ҳуқуқий тадбирларнинг узокни кўзлаб тизимли амалга оширилиши Қуроли Кучларимизнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш борасида Юртбошимиз Ислам Каримов кўйган вазибаларни рўёбга чиқаришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимиз халқаро муносабатларда тинчликсеварлик йўлидан бориб, айни вақтда, ўз фуқароларининг ҳаёти ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш вази-фасини ўз зиммасига олиш бораберида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низомига биноан ўзини-ўзи мудофаа қилишдек ажралмас ҳуқуқни амалга оширадиган, давлатнинг ҳарбий қудрати ва мудофаа қобилияти оқилона зарурат даражасида бўлишини таъминлайди. Энг муҳими, соҳага оид яратилган норматив-ҳуқуқий тизим давлатимиз суверенитети, ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилишнинг таъминлашнинг кафолати бўлиб хизмат қилади.

Жонибек УМУРЗАКОВ, тадқиқотчи

● ЎҚУВ-СЕМИНАР

Жамоатчилик билан алоқалар

ФАОЛИЯТ САМАРДОРЛИГИНИНГ ОШИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Парламент палаталарининг қўшма мажлисида тақдим этилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» мамлакатимиз сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва демократик тараққиётининг янги босқичини бошлаб берди.

Партия матбуот хизмати самардорлигини янада ошириш, иш жараёنлари юқори даражада замонавий асосда ташкил этилган матбуот хизматлари тажрибасини омаллаштириш, соҳага янги иш услубларини киритиш, партия наشري ва веб-сайтида ЎзМТДП дастурий қўғариларини тарғиб этишда замонавий усул ва воситаларни қўллаш мақсадида партия Марказий Кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси, Вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан «Партия матбуот хизмати фаолиятини кучайтиришнинг долзарб вазибалари» мавзусида қатор ўқув-семинарлар ташкил этилмоқда. Уларда «Парламент ва сиёсий партиялар матбуот хизматларининг ўзаро ҳамкорлиги: ютуқ ва муаммолар», «Партия матбуот хизматининг ОАВ билан ўзаро алоқасида соҳага оид қонунчиликдан самарали фойдаланиш масалалари», «Демократик жараёнларни кучайтириш, фуқаролик жамиятини шакллантиришда ОАВнинг ўрни ва роли», «Сиёсий партия наشرларининг ўзига хос хусусиятлари ва уларга материаллар тайёрлаш услублари», «Ҳудудий партия ташкилотлари матбуот хизматларининг маҳаллий ОАВ билан ҳамкорлиги» ва «Партиялараро ва фракциялараро кураш жараёнининг «Миллий тикланиш» газетасида ёриштирилиши» каби долзарб мавзуларда маърузалар тақдим этилди.


— Хабарингиз бор, мазкур ўқув-семинарнинг илк бор жорий йилнинг май ойида ташкил этган эдик, - дейди ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони Жамоатчилик билан алоқалар ва ОАВ билан ишлаш бўлими бошлиғи Дониёр Тошбоев. — Унда партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари де-

вони жамоатчилик билан алоқалар ва ОАВ билан ишлаш бўлими етакчи мутахассислари ва «Миллий тикланиш» газетаси тахририятининг ижодий ходимлари иштирок этган эдилар. Мақсад ЎзМТДП дастурий мақсадларини кенг оммага етказишда матбуот хизматлари ишини профессионал ташкил этиш ҳамда ҳудудий Кенгашларда шу йўналишда фаолият олиб борувчи мутахассислар ва партиянинг ягона наشري бўлган «Миллий тикланиш» газетаси ходимлари билан ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш эди. Семинар доирасида иштирокчилар ўртасида пресс-релиз тайёрлаш, матбуот анжумани ва брифингларга тайёргарлик кўриш, ахборот хизмати ишини юритиш, оммавий ахборот воситалари ва матбуот хизмати ўртасида самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш юзасидан амалий машғулотлар олиб борилди. Айтиш жоизки, мазкур ўқув самараси нафақат марказда, балки ҳудудий ташкилотларда аста-секин буй кўрсатмоқда. Бунга партия веб-сайти ва нашрига келаётган материалларнинг сифати, ҳудудий партия ташкилотлари мутахассисларининг ОАВдаги иштироки ва тадбирлар ташкил этиш технологияларининг ижобий томонга ўзгарганида гувоҳ бўляпмиз. Жумладан, ўқув-семинарда ушбу йўналишда фаолиятининг қоникарсизлиги танқид остига олинган айрим вилоятлар (Бухоро, Қашқадарё ва Тошкент шаҳри) Кенгашлари жамоатчилик билан алоқалар ва ОАВ билан ишлаш бўлиmlарининг фаолияти тубдан ўзгариб, матбуотдаги иштироки сезиларли ошди.

Ўқув-семинарлар давомида матбуот хизмати ходимларининг сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш билан бир қаторда, уларнинг интернетдан самарали

МАЪНАВИЯТ

● МИЛЛИЙ МЕРОС



Бухорои Шарифнинг мангулик тимсоли

Юртимиз тарихий обидалар, қадимий осори-атиқалар, муқаддас қадимжоларга бой. Бухоро, Хива, Шахрисабз, Қўқон сингари қадимий шаҳарларимиз ўзининг кўрку таровати билан дунё сайёҳларини ўзига жалб қилиб келади. Шарқ меъморчилик санъатининг бебаҳо хазинаси бўлган Бухорои Шариф ЮНЕСКОнинг қарори билан жаҳон миқёсидаги аҳамиятга эга бўлган меъморий қўриқхоналар қаторига қўшилган. Бу табарруқ заминда икки юздан зиёд тарихий ва меъморий обида сақланиб қолган. Улар ўзининг маҳобати, кўрки ва мустақамлиги билан ҳаммани ҳайратга солиб, қадимий шаҳар шухратига шухрат қўшмоқда.

Тарихий обидалар истиқлол туфайли қайта чирой очмоқда. Шундай обидалардан бири Минораи Калон қадим Бухоронинг мангулик тимсоли бўлиб мағрур қад ростлаб турибди. Тўққиз аср муқаддам — 1127 йилда бунёд этилган ушбу меъморчилик ёдгорлиги асосининг диаметри 9 метр, юқори қисмининг диаметри 6 метр, бўйи эса деярли 50 метр юксакликка кўтарилган. Қорахонийлар сулоласининг куч-қудратидан дарақ берувчи буюк минора қурилиши ҳақида кўпгина ривоятлар мавжуд. Улардан бирида куйидагича маълумот келтирилган. Шаҳар кўча ва бозорлари бўйлаб зир югурган жарчилар барча мунажжим, меъмор ва устоздаларни Арки олийга — Бухорои Шарифнинг буюк султони, амирул мутлак Муҳаммадхон ибн Сулаймон бинни Илкихон аъло ҳазратлари хузурига машваратга даъват қилишди. Арслонхон кўришонада жамулган бўлган нуруний руҳонийлар, сервиқор амалдорлар, доиршманд мунажжимлар, моҳир муҳандис ва усталарга разм солиб шундай деди:

Шундан кейин мамлакатнинг ман-ман деган меъмор ва муҳандислари тунлари билан миҳ-миҳанг мангулик тимсоли бўлиб мағрур қад ростлаб турибди. Тўққиз аср муқаддам — 1127 йилда бунёд этилган ушбу меъморчилик ёдгорлиги асосининг диаметри 9 метр, юқори қисмининг диаметри 6 метр, бўйи эса деярли 50 метр юксакликка кўтарилган. Қорахонийлар сулоласининг куч-қудратидан дарақ берувчи буюк минора қурилиши ҳақида кўпгина ривоятлар мавжуд. Улардан бирида куйидагича маълумот келтирилган. Шаҳар кўча ва бозорлари бўйлаб зир югурган жарчилар барча мунажжим, меъмор ва устоздаларни Арки олийга — Бухорои Шарифнинг буюк султони, амирул мутлак Муҳаммадхон ибн Сулаймон бинни Илкихон аъло ҳазратлари хузурига машваратга даъват қилишди. Арслонхон кўришонада жамулган бўлган нуруний руҳонийлар, сервиқор амалдорлар, доиршманд мунажжимлар, моҳир муҳандис ва усталарга разм солиб шундай деди:

● ЯНГИ ҚОИДА

ФХДЁ фаолиятида янги тартиблар

Адлия вазирининг буйруғи билан фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувларининг янги шакллари ва уларни тўлдирishi бўйича қоидалар тасдиқланди. Шу муносабат билан 2013 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг «Фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларининг шакллари ва уларни тўлдирishi бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги ва «Фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларининг шакллари ва уларни тўлдирishi бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруқлари ўз кучини йўқотди.

Шу кунгача юритилган туғилганлик, никоҳ тузилганлиги, никоҳдан ажралганлик, ўлим ҳақидаги фуқаролик ҳолати далолатномаларидан фарқли ўлароқ, янги шакллари лотин ёзувида икки тилда ўзбек ва рус тилларида расмийлаштирилди. Фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувлари шакллари тўлдирishiнинг янги қоидаларига кўра, далолатнома ёзувлари давлат тилида фақат лотинча харфлар билан киритилади. Бунда ёзувлар ҳаво ранг пастали шарикли рўқчада қайд этилиши шарт. Қоидалар 2012 йил 2 ноябрдан қўллаб қўйилди.

● КЎРГАЗМА

Мусаввир ижодига чизгилар

Ўзбекистон Бадий академиясида мусаввир Шамсирўй Ҳасанова ижодига бағишланган кўргазма бўлиб ўтди. Ўзбекистон Бадий академияси, Камолитдин Бехзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти ҳамда «Ўзбектеелефильм» давлат унитар корхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда мусаввирнинг «Богбон қиз», «Қашқар шоираси Мутриба», «Зебуносо», «Нодирабегим» каби асарлари намойиш этилди. Асарларда бой маънавий меросимиз ва қадриятларимиз акс эттирилган. Ш.Ҳасанова ўзбек тасвирий санъатида натурпорт жанрини олиб кирган ўз асарларида Шарқ ва Ғарб миниятура мактаби аъёнларини уйғунлаштирган. Устоз мусаввирлар, ёш рассомлар ва талабалар иштирок этган тадбирда «Ўзбектеелефильм» томонида Ш.Ҳасанова хотирасига бағишлаб яратилган хужжатли фильм намойиш этилди.

Муҳтарама КОМИЛОВА,
«Milliy tiklanish» мухбири

«Туркистон-пресс»

● ЖАРАЁН

Оила — миллат ва жамият таянчи

Инсоният тарихида, давлат ва жамият бошқарувида адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, миллат таянчи ҳисобланган оила фуқаролик жамияти институтини ривожлантириш, ижтимоий адолат, қонун устуворлиги ҳамда инсон эркинлигини таъминлашнинг кафолати ва асосидир. Бу эса, ўз навбатида, жамиятда оила институти ва маънавиятини шакллантириш билан боғлиқ жараёндир.

Давлат ва жамият ҳаёти, баркамол авлод тарбиясида оиланинг ўрни беқиёс. Шу боис оила ҳамма вақт ва ҳар қачон долзарб мавзулардан бири бўлиб келган. Оила ҳар бир халқ, миллатнинг давомийлигини сақловчи, миллий қадриятларнинг ривожини таъминловчи, маънавий ва жисмоний баркамол авлодни дунёга келтириб тарбияловчи муқаддас маскандир. У жамият деб аталмиш буюк бир оламнинг пойдеворини ташкил этади. Жамият ва давлатнинг фаровонлиги, гуллаб-яшнаши бевосита ана шу пойдеворнинг қай даражада мустақамлигига боғлиқ. Шу боис мамлакатимизда оила манфаатларини ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий жиҳатдан ҳимоя қилинишини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Миллий оила деганда дарров бола-чақали, пиру бадавлат чолу кампирлари бор хонадон қўз олдимизга келади. Оила — азал-азалдан инсоннинг ҳис-туйғулари, ақли-дурони, маънавияти, қўйинги, бутун борлиги камол топадиган тарбия маскани бўлиб келган. Инсонни шахс сифатида камолга етказишда жамиятдаги ижтимоий муассасаларнинг бирортаси оила каби беқиёс ўринга эга эмас. Ота-бобола-римизнинг қадимдан оилани миллат таянчи ва маънавият кўргони, деб атаб келганликлари ҳам бежиз эмас, албатта. Президентимиз Ислам Каримов оилага шундай таъриф берганлар: «Оила ҳақида гапирар эканмиз, авваламбор, ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан биргаликда, келажак насллар қандай инсон бўлиши етиштириш бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи эканини тан олишимиз даркор». Оила инсонларни фақат манфаатлар воситасида эмас, балки қон-қардошлик, ҳақиқий инсоний тамойиллар асосида боғлаб тургани учун ҳам бебаҳодир. Жамиятда инсонларни ўзаро бириктирувчи, дўст, аҳил-иноқ бўлиб умргузаронлик қилишлари ўргатувчи ижтимоий муассаса ва институтлар жуда кўп. Жамият тараққиётида уларнинг ҳар бирини ўз ўрни бор. Бирок, оила, энг аввало, тарбия маскандир. Масалан, маҳаллани

оилалик. У асосан, бир кўча ёки гузарда яшайдиган одамларни бирлаштиради. У ўзида ана шу одамларнинг ҳаётини ораш-урашда ҳамма вақт ва ҳар қачон долзарб мавзулардан бири бўлиб келган. Оила ҳар бир халқ, миллатнинг давомийлигини сақловчи, миллий қадриятларнинг ривожини таъминловчи, маънавий ва жисмоний баркамол авлодни дунёга келтириб тарбияловчи муқаддас маскандир. У жамият деб аталмиш буюк бир оламнинг пойдеворини ташкил этади. Жамият ва давлатнинг фаровонлиги, гуллаб-яшнаши бевосита ана шу пойдеворнинг қай даражада мустақамлигига боғлиқ. Шу боис мамлакатимизда оила манфаатларини ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий жиҳатдан ҳимоя қилинишини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Миллий оила деганда дарров бола-чақали, пиру бадавлат чолу кампирлари бор хонадон қўз олдимизга келади. Оила — азал-азалдан инсоннинг ҳис-туйғулари, ақли-дурони, маънавияти, қўйинги, бутун борлиги камол топадиган тарбия маскани бўлиб келган. Инсонни шахс сифатида камолга етказишда жамиятдаги ижтимоий муассасаларнинг бирортаси оила каби беқиёс ўринга эга эмас. Ота-бобола-римизнинг қадимдан оилани миллат таянчи ва маънавият кўргони, деб атаб келганликлари ҳам бежиз эмас, албатта. Президентимиз Ислам Каримов оилага шундай таъриф берганлар: «Оила ҳақида гапирар эканмиз, авваламбор, ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан биргаликда, келажак насллар қандай инсон бўлиши етиштириш бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи эканини тан олишимиз даркор». Оила инсонларни фақат манфаатлар воситасида эмас, балки қон-қардошлик, ҳақиқий инсоний тамойиллар асосида боғлаб тургани учун ҳам бебаҳодир. Жамиятда инсонларни ўзаро бириктирувчи, дўст, аҳил-иноқ бўлиб умргузаронлик қилишлари ўргатувчи ижтимоий муассаса ва институтлар жуда кўп. Жамият тараққиётида уларнинг ҳар бирини ўз ўрни бор. Бирок, оила, энг аввало, тарбия маскандир. Масалан, маҳаллани

зомилинг жаҳон миқёсида эътироф этилиши сабаблари ҳам ана шунда. Абдурауф Фитрат ўзининг «Оила ва оила бошқариш тартиблари» асаридида шундай ёзади: «Ҳар бир миллатнинг санолати ва иззати, албатта, шу халқнинг ички интизомига ва тотувлигига боғлиқ. Тинчлик ва тотувлик эса шу миллат оилаларининг интизомига таянади. Қаерда оила муносабати кучли интизомга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли ва мунтазам бўлади». Дунё миқёсида юз берадиган ҳар қандай ўзгариш, у ҳоқ иқтисодиёт, хок маънавий-сиёсий соҳада бўлсин, ўз таъсирини даставвал оила муҳитида намойиш этади. Мамлакатимизда бошқа ижтимоий институтлар билан бир қаторда оила омилига катта эътибор қаратилаётганлигининг яна бир сабаби ана шундадир. Халқимизда қадим-қадимдан оила — муқаддас даргоҳ саналган. Зеро, оилага садоқат, ота-онага оқибат, ака-укаларга меҳр-лилик Ватан туйғусининг даражасидир. Оилага садоқат бўлмаган жойда, ота-онага нисбатан ҳам ҳурмат йўқолади. Бундай ҳолатда на қариндош, на маҳалла ва на Ватанга нисбатан муҳаббат уйғонмайди. Президентимиз Ислам Каримовнинг «Оилага эътиборимизни тубдан ўзгартириш, оилаларини аввало ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш, эъзозлаш, кўллаб-қувватлаш — бугунги кунимиз учун ва эртанги истиқболимиз учун нақадар муҳим ва долзарб эканлигини яхши тушунишимиз ва аниқлашимиз даркор», деб алоҳида қайд этганликлари бежиз эмас. Оила том маънода миллат таянчи, маънавият кўргони эканлиги, маънавий иммунитет тизимидаги муҳим халқа, дейиш мумкин. Оиланинг бу борадаги улкан вазираси мафқуравий курашлар, глобаллашув, маданиятлар ва турли манфаатлар ўзаро тўқнаш келаятган бугунги мураккаб аҳволда асрида жуда ҳам муҳимдир. Президентимизнинг «Миллий истиқлол гоиси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласида оиланинг бу борадаги ўрни ва аҳамиятига алоҳида эътибор берилгани бежиз эмас, албатта. Ана шунга асосланиб айтиш жоизки, оила ва унинг аъёнлари, миллий урф-одатлар, қадриятлар ҳамда мезонларига эҳтиром кўрсатиш, кўз қорачидайд асраб-авайлаш ҳар биримизнинг муқаддас вазира ва бурчимизга айланмоғи лозим.

● ТАДБИР

Жамоатчилик назорати механизми

Республика «Маҳалла» ҳайрия жамоат фондида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан жамоатчилик назорати самарадорлигини оширишнинг долзарб масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Маҳалла — фуқаролик жамиятининг ноёб институти. Истиқлол йилларида маҳалла фаолияти самарали йўлга қўйилган тузилмага айланди ва жаҳон ҳамжамияти томонидан фуқароларни ижтимоий кўллаб-қувватлаш бўйича адолатли институт сифатида эътироф этилди. Бугун мамлакатимизда ушбу институтнинг обрў-эътибори тобора ортиб бормоқда. Бу кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш борасида ислохотлар ҳаётида изчил татбиқ этилаётган давлатлардир. Ийгиликда Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада қучураштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида қайд этилган мамлакатимизни демократлаштириш жараёнини такомиллаштиришда фуқаролик жамияти институтларининг ролини кучайтиришга оид қоидалар қандай амалга оширилаётгани кўриб чиқилди, ишлаб чиқилаётган «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди. Айти пайта фуқаролар йиғинларида жамоатчилик назорати «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ амалга оширилятир. Мазкур қонунда фуқаролар йиғинларида қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш ваколати берилган. Туман, таълим ва илм ваколатлари ваколатлари кенгайтириш имконини бериши қайд этилди. Мехрибон МАМЕТОВА, ЎЗА мухбири

“Инклюзив таълим” дастури самарали амал қилмоқда

УНДА ЎЗМТДПНИНГ ЎН БИР НАФАР АЪЗОСИ ХАМ ФАОЛ ИШТИРОК ЭТМОҚДА

Болалик — беғуборлик даври, улар қалби бир олам шодлик ва севинчларга лиммо-лим. Усмирлик эса билимга бўлган чексиз иштиёқ ва чинқоқлиги, изланувчанлиги билан ажралиб туради. Ҳозирги тежвор даврда турли соҳада қўлга киритилаётган, фан-техника, адабиёт ва санъатда эришилаётган ютуқлар ҳамда дунё воқеалари уларни бефарқ қолдирмайди, албатта.

Биз Жиззах шаҳридаги 22-умумтаълим мактаби ўқувчилари даврасида бўлганимизда бунинг гувоҳи бўлдик. Ўқув даргоҳида соғлом муҳит яратилган. 2012-2013 ўқув йили бўйича инглиз тили, математика, биология каби етти та фан чуқур ўргатилиб, 830 нафар ўқувчига 56 нафар малакали педагог таълим-тарбия бериб келмоқда. Педагогларнинг 12 нафари Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси аъзоси.

Мактаб маъмурияти ва педагогик жамоа аъзолари олдига Ҳамид Олимжон ва Алишер Навоий номидаги маҳалалардаги жисмоний нуқсонли болалар ва усмирларнинг мактабга жалб этиши, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, “Инклюзив таълим” дастурини тўлиқ жорий этишдек муҳим вазифа турарди. Бунинг учун эса педагогларнинг салоҳиятини ошириш, жамоа ўртасида мунтазам педагогик-психологик ўқишлар олиб бориш каби бир қатор юмушларни бажариш тақозо қилинарди. Натижада қисқа вақт ичида 100 га яқин методик тавсиялар ва махсус интерактив методлар асосида дарс ишланмалари тайёрлашга эришилди. Мактаб раҳбари ва Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси бошланғич ташкилоти етакчисининг елиб-югуриши ҳамда

фидойилиги туфайли ўқув даргоҳи биносини жисмоний имконияти чекланган болалар ва усмирлар учун таълим-тарбия беришга мослаштириш, синф хоналари, зал ва йўлақлар буткул қайта таъмирдан чиқарилишига диққат-этибор қаратилди. Бу борада ўқув даргоҳининг инфратузилмасини тубдан яхшилаш учун вилоятдаги “Истикболли ёш авлод” нодавлат нотижорат ташкилоти кўмагида 105 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Натижада 2007 йилдан буён ўқув даргоҳи жамоаси таълимда янгилик бўлган “Инклюзив таълим” дастури бўйича фаолият олиб боришга эришди.

Фидойи педагоглардан ЎЗМТДП аъзолари, халқ таълими аълочиси Бахтигул Худойбердиева, олий тоифали педагоглардан Азиза Қобилова, Ҳилола Сиддиқова кабиларнинг изланиши ва ижодкорлиги туфайли юқори синф ўқувчилари ҳамда ота-оналар кўмагида тарқатма материал ва кўргазмалар қўраллар тайёрланиб, махсус журналлар юритилди. Бу эса ривожланишда нуқсонли болаларнинг фикрларини жамлаб, раво тилда гапиришга ҳаракат қилишлари, қўл ва бармоқларини ҳаракатлантиришга интилишларида қўл келди. Жумладан, “Ўйла, изла, топ”, “Кувноқ болалар”, “Хато қилма” каби кўплаб ҳаракатли машғулот ва ўйинлар муҳим аҳамият касб этди. Бу каби мантиқий ўйинлар ўқувчиларни зеҳни ва топқир бўлишга, ҳисоблаш ва ечишда ўзларининг билимларини синбаб кўришга ундайди, албатта. Натижада вақт ўтиши билан биргита ўтган ўқув йилида жисмоний нуқсонли болалар ўқувчилардан Беҳзод Жуманов, Нафиса Аҳмадова, Диёр Холбўтаев биология ва тарих фанлари бўйича вилоятда ўтказилган олимпиадаларда фахрли ўринларни эгаллашди.

Сўнгги икки йил ичида “Сиз тарихни биласизми?”, “Сиз қонунни биласизми?”, “Конституция — бахтимиз пойдево-

ри” каби республика кўрик-танловларида ўқувчилар муваффақиятли иштирок этиб қайтишди. Мактабда фаолият юритаётган кинофото тўғраги аъзолари ҳар йили республика миқёсида ўтказилиб келинаётган кўрик-танловларда иштирок этишарди. Тўғракиннинг “Сехри ёғду” кинофото фестивалига тақдим этган фильмларининг 18 таси республикада ўтказилган танловларда фахрли ўринларни эгаллади.

Айни пайтда жисмоний нуқсонли бор ва соғлом ўқувчилар ўртасида ҳеч қандай тафовут сезилмагани ҳолда ўзаро меҳр-муруват туйғуларига йўғрилган дўстона муҳит яратилганлиги қувонарлидир. Олиб борилаётган “Инклюзив таълим” дастури бугунги кунда ўз мақсадига эришди. Бу эса республикамизда олиб борилаётган узулқизи таълим тизимидаги катта ютуқ, десак муболага бўлмайди.

Мактаб кутубхонаси ўқувчиларнинг севимли маскани. “Йилнинг энг яхши мактаб кутубхоначиси-2007” кўрик-танлови голиби Хулқар Муродова мудирлик қилаётган зиё масканида жами китоблар фонди 13665 тани ташкил қилиб, китобхона сони 680 нафардан зиёд. Бу ерда муҳим ва унутилмас кунлар ҳамда шонли саналарга атаб турли тadbирлар мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Халқ маорифи аълочиси, олий тоифали педагог, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси аъзоси Дилфўза Садрдиннова янгиликка интилувчан ва ташаббускор. Ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялаш, уларда она Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини шакллантириб борагани, миллий мафкура ва миллий гоани ёш авлод онгига сингдириб бораётганлиги учун “Йилнинг энг яхши мактаб директори-2012” республика кўрик-танловининг Жиззах вилоят босқичи голиби бўлди.

Абдулла САИДОВ,
Жиззах вилояти

АНЖУМАН

Мақсад — ҳуқуқий маданиятни юксалтириш

Пойтахтимизда “Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат йўналишида давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш” мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ташкиллаштирилган тadbирда Ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармаси ходимлари, профессионал ва бўлғуси ҳуқуқшунослар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 23 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш ҳамда қонунийликни мустаҳкамлаш каби вазифаларга алоҳида урғу берилиб, шу мақсадга йўналтирилган давлат органлари, жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий тарғибот ва маърифат соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш вазирлигининг асосий вазифаси этиб белгиланган.

Анжуманда сўз олган ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармаси бошлиги Алихон Очилов мазкур вазифа ижроси ҳақида гапирар экан, жумладан, шундай деди: — Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш юзасидан идоралараро кенгаш ташкил этилиб, унинг таркиби тасдиқланди. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 23 июлдаги қарори асосида мазкур кенгашнинг Низоми қабул қилинди. Ушбу Низомда Идоралараро кенгашнинг асо-

сий вазифа ва функциялари аниқ белгилаб қўйилди. Чунки, шу вақтгача давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий тарғибот ва маърифат соҳасидаги фаолиятини самарали мувофиқлаштиришда айрини узилтириш мавжуд эди. Айни пайтда барча давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий тарғибот ҳамда маърифат соҳасида амалга оширган ишлари таҳлил қилинмоқда, тарғибот ва маърифат соҳасида тегишли кўрсатма, қўлланма, тавсиялар ишлаб чиқилмоқда.

Халқимизнинг ҳуқуқий онги, маданияти, билим даражасини оширишда ҳуқуқий саводхонликни таъминлаш, уни амалиётга тўғри ва тизимли равишда татбиқ этиш муҳим аҳамият касб этди. Шу маънода, анжуман иштирокчилари томонидан аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва ҳуқуқий тарбияни янада такомиллаштириш давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланган, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ҳамда маданиятини юксалтириш, уларни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялаш жараёнида ҳуқуқий маданиятнинг ўрни бекиёс эканлиги алоҳида таъкидланди.

— Адлия органлари томонидан жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасида қабул қилинган фармон ва қарорлар мазмун-моҳиятини

аҳолига етказиш, Миллий дастур ижросини таъминлаш мақсадида кенг қамровли тadbирлар амалга оширилмоқда. Айниқса, маҳалаларда аҳоли ва ёшлар билан турли учрашув, анжуман ва давра суҳбатлари ташкил этилаётди. Жорий йилнинг ўтган 9 ойида мазкур йўналишларда 42 мингдан ортиқ тadbир ўтказилди. Бундан ташқари, интернет тармоғидаги “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси” — www.lex.uz сайти ҳам аҳолига ҳуқуқий ахборот етказиш борасидаги ишларни янада жонлантирди. Ўзбек ва рус тилларидаги 25 мингга яқин ҳужжат жамланган ушбу базадан фуқароларимизнинг бепул фойдаланишлари йўлга қўйилди, дейди А.Очилов.

Матбуот анжуманида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг йигирма йиллик санасини нишонлашга тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги фармойиши юзасидан белгиланган вазифалар, ҳуқуқий таълим, ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш, юридик адабиётлар наشري билан боғлиқ масалаларда амалга оширилаётган ишлар ҳақида атрофлича маълумот берилди. Соҳа вакиллари ва журналистларнинг саволларига жавоб қайтарилди.

Зафар МУҲАММАД,
“Milliy tiklanish” мухбири

ЖАРАЁН



Юртимизда ташаббускор, интилувчан ёшлар эришаётган ютуқларни омма-лаштириш, уларнинг кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликка қизиқишини янада кучайтириш, бунёдкорлик интилишлари ва ижодий фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Яратилган шароит ва имкониятлар туфайли иқтисодиётнинг ушбу жабҳасида меҳнат қилаётган ёшлар сафи тобора кенгаймоқда. Уларнинг аксарияти ўз қорхонасини ташкил қилиб, аҳолига сифатли хизмат кўрсатаётди.

● ХУҚУҚ ВА БУРЧ

Инсон ҳуқуқлари кафолати

МИЛЛИЙ ХУҚУҚ ТИЗИМИ ВА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР УЙҒУНЛИГИ

Мустақилликнинг илк даврлариданоқ демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамиятини барпо этиши йўлини танилаган Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари масаласини ички ва ташқи сиёсатнинг энг устувор йўналиши этиб белгилади. Мустақиллик йилларида республикамизда умуминсоний кадрларнинг тиклаши, демократик жамият қуриши жараёнида инсон эркинлиги, омили ва ўрнини баҳолашга катта аҳамият берилди.

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бош прокуратура ва Ички ишлар вазирлигида тузилган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи махсус бўлинмалар каби инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар тизими яратилди ва улар самарали фаолият юритиб келмоқда.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлар кафолати икки кўриниш, яъни ички ва халқаро ҳуқуқий кафолатларга эга. Бу борада, айниқса, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, яъни Омбудсман фаолияти, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти каби тузилмаларнинг ўрни ва роли бекиёс. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларнинг кафолатлини малака-лири юридик хизмат ва профессионал адвокат хизматидан фойдаланиш ҳуқуқи ва имкониятларининг мавжудлиги билан ҳам бевосита боғлиқдир.

Инсон ҳуқуқларининг халқаро ҳуқуқий кафолатлари халқаро оммавий ҳуқуқ томонидан ўрнатилган. Фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш фақат белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларга эгалик қилиш билангина чекланмасдан, балки улардан фойдаланиш ва бузилишида муҳофаза қилишдан ҳам иборатдир.

Кафолатларнинг моҳияти - мутасадди давлат органларининг

фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда доимий равишда зарур воситалар билан таъминлашдан иборат бўлади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси инсонларга маълум ҳуқуқ ва эркинликлар бериш билан бирга уларни амалга ошириш учун кенгайтириш, инсон ҳуқуқларининг тенг ҳуқуқлиги ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баробар муҳофаза этилиши кафолатланган.

Инсон сиёсий ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатланганлиги Ўзбекистонда ҳокимиятнинг халққа тегишлилиги, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи эканлиги, давлат ҳокимияти тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципларига асосланганлиги билан белгиланади.

Ўзбекистонда ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкура ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади, ҳеч қайси мафкура давлат мафкуриси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 43-, 44-, 45-, 46-моддалари айнан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатларига бағишланган. Унда «Давлат фуқароларининг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди», деб мустаҳкамлаб қўйилган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Бирлашган Миллатлар Ташкило-

ти (БМТ) Бош Ассамблеяси томонидан 1948 йилнинг 10 декабрида қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини белгиловчи дастлабки муҳим тарихий ҳужжат ҳисобланади. Ушбу ҳужжат, Ижтимоий, маданий ва иқтисодий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ҳамда Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт инсон ҳуқуқларининг халқаро даражадаги ифодаси ёхуд инсон ҳуқуқлари соҳасидаги умумжаҳурий таъминот ва нормалар мажмуини ташкил этади.

Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси муқаддима ва 30 та моддadan иборат бўлиб, унда инсоннинг асосий ҳуқуқлари, қадр-қиммати, инсон шахсининг беназирлиги ҳамда эркаклар билан аёлларнинг тенг ҳуқуқлиги ўз ифодасини топаган. Декларациянинг 1-моддасида ҳуқуқий жиҳатдан асосланган фалсафий фикрлар баён этилган бўлиб, унда «Барча одамлар эркин, қадр-қиммат ва ҳуқуқларда тенг бўлиб туғилдилар. Улар ақл ва виждон соҳибидирлар ва бир-бирларига биродарларча муомала қилишлари зарур», дейлади.

2-моддада ҳар бир инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг тенг бўлиши, Декларацияда эълон қилинган барча ҳуқуқ ва эркинликлар соҳиб бўлиши баён этилган: «Ҳар бир инсон бирор бир айримчиликсиз, ирки, терисининг ранги, жинси, тили, дини, сиёсий эътиқоди ёки бошқа эътиқодларидан, миллий ёки ижтимоий келиб чиқишдан, мулкий аҳоли, қайси табақча мансублиги ва бошқа ҳолатлардан қатъий назар, мазкур Декларацияда эълон қилинган барча ҳуқуқлар ва эркинликлар соҳиб бўлиши керак».

3-моддада ҳар бир инсоннинг яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга эканлиги таъкидланган. Декларациянинг 23-37-моддалари инсоннинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларини муҳофаза қилишга бағишланган.

Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси барча давлат ва халқлар амалга оширишга инти-

лаётган инсон ҳуқуқларига доир халқаро меъёрларни ҳурмат қилиш ва амал қилишга муҳим вазифа сифатида қарайди.

Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси айрим давлатларнинг қонунчилигига таъсир этиб қолмасдан, шунинг билан бирга, у БМТ доирасида тузилган ва иш олиб бораётган иқтисослашган ташкилотларнинг фаолиятида ҳам муҳим роль ўйнайди. Декларацияда қайд этилган ҳуқуқий меъёрлар иқтисослашган ташкилотлар томонидан тузиладиган шартномаларни тартибга солиш, амал қилишда муҳим аҳамият касб этади. Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясида шаклланган гоёлар кейинчалик халқаро майдонда қабул қилинган кўплаб халқаро ҳужжатларда ўзининг ҳуқуқий ва мантиқий ривожини топти. Қочоқлар тўғрисидаги Конвенция (1951 й.), Халқаро Меҳнат Ташкилотининг тенг тақдирлов тўғрисидаги Конвенцияси (1951 й.), 1974 йилда эълон қилинган «Куролли тўқнашувлар даврида ва факулдодда ҳолатларда хотин-қизлар ва болаларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги Декларация», 1975 йилда эълон қилинган «Илмий-техникавий ютуқлардан тинчлик ва инсоният фаровонлиги манфаатларини йўлида фойдаланиш тўғрисидаги Декларация», 1981 йилда эълон қилинган «Дин ёки эътиқод учун қамситишнинг барча шакллари йўқотиш тўғрисидаги Декларация» шулар жумласидандир.

Бугунги кунда нафақат юртимизда, балки бутун жаҳонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш соҳасидаги асосий демократик тамойил ва талабларни ўзидан мужассам этган Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг аҳамияти, мазмун-моҳиятини аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида тарғиб этиш ва тушултириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, инсон ҳуқуқлари демократик ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим белгиси, демократик тараққий даражасини кўрсатувчи муҳим меъордир. Шу боис ҳам инсон ҳуқуқлари халқаро ва миллий ҳуқуқ тизимида муҳим ўрин тутди. Инсон ҳуқуқларини таъминлаш бугунги кунда инсоният олдига турган энг долзарб вазифалардан биридир.

Н.ТУРСУНОВА,
Тошкент шаҳар адлия бошқармаси инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бош маслаҳатчиси

● СЕРВИС

Оилавий бизнес

ТУРМУШ ФАРОВОНЛИгини ТАЪМИНЛАЙДИ

вис, яъни аҳолига хизмат кўрсатиш маданиятига жуда ҳавас қилган. Ўз юртида ҳам ана шундай хизматлар йўлга қўйилишини орзу қилади. Ниҳоят, неча йиллардан бери юрагининг бир тубида мудраб ётган орзулари амалга ошди. Турмуш ўртоғи Ойсанам ва фарзандлари билан маслаҳатлашиб, шаҳардаги ташландик ва қаровсиз ер ўрнида замонавий қиёфадаги хизмат кўрсатиш маркази бунёд этишга бел боғлади. Узоқ йиллар турли қурилиш ташкилотларида раҳбар бўлиб ишлаган ва соҳада катта тажриба ортирган Маъмур ака марказ лойиҳасини ўзи ишлаб чиқди. Қурилиш ишларига ҳам ўзига таниш малакали ва тажри-

бали қурувчиларни жалб этди. Роппа-роса икки йил деганда иншоотни ўз маблаглари ҳисобидан тиклади. Бинони жиҳозлаш учун катта сармоя зарур эди. Тадбиркор “Асака” банкнинг сўм кредит эвазига машина ювиш, таъмирлаш, савдо дўкони, ошхона, душхона, сартарошхона каби турли сервис ва маъший хизмат кўрсатиш шахобчаларини бунёд этиб, уни энг сўнгги русумдаги хориз усуна ва мебеллари билан жиҳозлади.

Айни пайтда “Ҳожиакбар Азиз Ҳамкор” масъулияти чекланган жамият тасарруфидоги сервис марказининг малакали хизмати туфайли мижозлар сафи кундан-

Оилавий бизнес рўзгор баракасидир. Гулистон шаҳрида яшовчи Маъмур Собуров оиласи мисолида бунга яққол амин бўлиш мумкин. Маъмур Собуров узоқ йиллар турли ташкилот ва вазифаларда меҳнат қилди. Соғлиги панд бергач, бир оз мuddат даволанди. Шишфорлар унга энди дам олишни маслаҳат беришди. Аммо қайноқ меҳнат қучоғида юрган Маъмур ака бекор юришдан зерикди. У ишлаб, эл-юртига, қолаверса, оиласига ҳам наф келтиришни ўйлади.

М.Собуров хорихда кўп бўлган. Шу боис, у ердаги сер-

кунга кўпайиб бормоқда.

— Марказда кўрсатилаётган хизматлардан хурсандимиз, - дейди доимий мижозлардан бири Турсунбой Байрамов. — Автоматшоналар санокли дақиқалар ичида сифатли соланади. Бу вақт ичида мижоз дам олиш хонасида куй-қушиқ тинглаб, маданий хордиқ чиқариши ёки теннис, шахмат-шашка каби спорт турлари билан шуғулланиб, чинқиши мумкин.

Марказнинг 50 ўринга мўлжалланган ошхонаси ҳам замонавий услубда жиҳозланган. Бу ерда тайёрланган бир-бирдан мазали миллий таомлар, салқин ичимликлар, мена шарбатлари мижозларга манзур бўлапти.

Тадбиркор Маъмуржон Собуровнинг сай-ҳаракатлари билан 10 нафардан зиёд ёшлар доимий иш билан таъминланди. Ҳозирда Тадбиркор марказ томонидан кўрсатилаётган сервис турларини янада кенгайтириш каби режалар билан банд.

Анорбой НОРКУЛОВ,
“Milliy tiklanish” мухбири

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

● БИЗНИНГ ШАРҲ



Табиатнинг жиддий синови

Кариб ҳавзаси ва Атлантика соҳилларида мисли кўрилмаган вайронгарчиликларни вужудга келтирган тропик циклон - ураган ибораси Жанубий Америкадаги киче қабиласидаги ҳиндуларнинг қўрқув маъбудаси Хуракан номининг бузиб талқин этилишидир. Тинч Океани гарбидаги бу офатни хитойча "тай фунг" ёки "тай фин", Австралия қирғоқларида "вилли-вилли", Океанияда "вилли-вау", Филиппинда "Багио", деб аташади.

Довул ва циклон дунё океани суви Цельсий шкаласи бўйича 26 даражагача исиган пайтда, яъни иссиқ ва совуқ оқим денгиз билан тўқнашиши оқибатида кучли тўқинларни ҳосил қилади. Довул ва циклон етказган зиён кўлами Саффи-Симпсон шкаласи бўйича ўлча-нишидан кўпчилик беҳабар бўлиши мумкин. Бешинчи даражадаги довул энг дахшатлиси бўлиб, соатига 250 километр ва ундан ҳам юқори тезликда ҳаракатланган шамол жиддий талофатларни келтириб чиқариши мумкин.

Довулларга ном қўйиш анъанага айланган. Айниқса, айни бир ҳудудда бир неча бор тропик циклонлар кузатилиши, уларни бир-бири билан чалқаштириб юбормаслик мақсадида ном қўйилади. 1825 йилнинг 26 июлида Пуэрто-Рикода рўй берган довул Аврелия Анна таваллуд топган кунга тўғри келгани боис, "Санта Анна", кейингиларини "Сан Фелиппе" деб номлашга қарор қилинган. 1941 йилдан бошлаб довулларга ном қўйиш тажрибаси оммалашди. Австралиялик табиик метеоролог Клемент Рогг антика йўл таллади. Яъни, у тайфунларга метеорология

соҳасига кредит ажратилишига қарши чиққан парламент аъзоларининг номини муҳрлашга қарор қилди. Ҳарбий метеорологлар эса хатолликка йўл қўймаслик мақсадида тайфунларга ўз рафиқалари ёки уларнинг дугоналари исмларини қўйишни мақсадга мувофиқ, деб билган. Бу исмлар, энг аввало, қисқа, содда, осон талаффуз этиладиган, эсда қоладиган бўлиши зарур эди.

Ўзгача таклифлар ҳам илгари сурилган. Масалан, довулни рақам, инглиз ва юнон алифбоси ҳарфлари, эркак исмлар, фонетика алифбоси билан номлаш ҳақида фикрлар ҳам билдирилган. Q, X, Y ва Z ҳарфлари билан бошланувчи исмлар камдан-кам учраётгани сабабли, улар рўйхатдан ўчирилган. Бир вақтлар тайфунларга 84 аёлиннинг 26 июлида Пуэрто-Рикода рўй берган довул Аврелия Анна таваллуд топган кунга тўғри келгани боис, "Санта Анна", кейингиларини "Сан Фелиппе" деб номлашга қарор қилинган. 1941 йилдан бошлаб довулларга ном қўйиш тажрибаси оммалашди. Австралиялик табиик метеоролог Клемент Рогг антика йўл таллади. Яъни, у тайфунларга метеорология

мом вайрон бўлганидан хабарингиз бор. Кўрилган зиён 125 миллиард долларни ташкил этган. Энди "Катрина" метеорологлар рўйхатидан ўчириб ташланган. Тинч океани Гарбий соҳилларида тайфунларга ҳайвонлар, гуллар, дарактлар, ҳатто озик-овқатларнинг номларини қўйиш одатга кирган бўлса, японлар ўлимга элтувчи тўқинларга латофатли ва мулоим бўлмиш аёлларнинг исмлари билан аташни тўхтатдилар.

Жорий йилнинг 23 октябрида Кариб денгизига ҳосил бўлган "Сэнди" тропик довули Ямайка, Куба, Гаити, Багам ороллари орқали АҚШ ҳудудига кириб келди. "Сэнди" жорий йилдаги Атлантикадаги ўнинчи ва тропик циклоннинг 18-номини олган офат сифатида рўйхатдан ўрин олган. Умуман олганда, шу йилнинг ўзида "Альберто", "Крис", "Дэбб", "Эрнесто", "Гордон", "Айзек", "Лесли", "Оскар", "Рафаэль", "Тони" каби 21 та янги довул исмлари пайдо бўлди. "Сэнди" довули сўнгги 108 йил ичида кузатилаётган мудҳиш табиий офат саналади.

Хабарларга қараганда, қор аралаш кучли тўфон соатига ўн етти километр тезлик билан ҳаракатланган. Тўфон АҚШнинг Мэриленд, Нью-Жерси, Делауэр, Коннектикут, Пенсильвания, Массачусетс, Вермонт, Огайо, Виржиния ва Шимолий

Каролина штатларининг катта қисмига зиён етказган. У ҳозирга қадар юздан ортиқ кишининг ёстиғини қуритди. Пойтахт Вашингтон шаҳри, Нью-Йорк ва бошқа штатларда уч мингдан ортиқ авиационлар бекор қилинди. Метрополитен, жамоат транспорти ҳаракатлари тўхтаб қолди. Университет, коллеж ва мактабларда машғудотлар бекор қилинган. БМТ, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки ходимлари ҳам ишга чиқолмай, уйда қолишга мажбур бўлишди. 1985 йилда "Глория" довули Нью-Йоркка таҳдид солганидан бери биринчи бор фонд ва товар хом ашё биржаси бекилиб, улар электрон савдога ўтди. Нью-Жерси штатидаги тўғоннинг бузилиши оқибатида айрим ҳудудларда сув сатҳи тўрт метрга кўтарилди.

"Сэнди" 2001 йилнинг 11 сентябридаги террорчилик ҳаракати ва "Катрина"дан сўнг миллий иқтисодиётга жиддий зарар етказган ўнинчи офат сифатида талқин этилмоқда. Айрим маълумотларга кўра, кўрилган зиён 30-50 миллиард доллар атрофидадир. Метеорологлар "Сэнди"ни ўта жиддий довул сифатида қабул қилган ҳам ўртага ташламоқда. Чунки, унинг тезлиги соатига 74 миль-119 километрдан ошма-

Ўтган ўн йил давомида турли мамлакатларда рўй берган довул ва тўфонлар хусусида маълумот

2011 йилнинг август ойи охирида кузатилган "Айрин" довули одамларнинг ҳаётдан кўз юмишига сабаб бўлди. Куба, Пуэрто Рико, Гаити, Доминикан республикаси, АҚШ ҳудудига "Айрин"нинг ёпирилиши оқибатида катта миқдорда зиён кўрилди. 2008 йили Кубада "Густав" ва "Айк", 2005 йили Мексика қўрғазидида "Рита", 2004 йили "Чарли", "Френсис", "Иван", 1998 йилда "Митч" ва "Эндрю" довуллари оқибатида ҳам жиддий талофатлар

ган. Бу америкалик сугуртачилар учун албатта қўрилмаган "совға" бўлди. 1992 йилдан буён қўшимча маблағ-франшизалар ундириб келаётган бу идоралар жабрдийдаларга 5-10 миллиард доллар атрофида сугурта пули тўлаши лозим. Қиймати 300 минг долларга баҳоланган бинонинг франшизаси 5 фоиз бўлиб, хонадон соҳиби сугурта компаниясига 15 минг доллар тўлаган тақдирда кўрилган зарарни қоплаши мумкин. "Кимга тўй, кимга аза" деганлари шу бўлса керак, офатдан кимдир ўз маблағини тежайди, бошқа бирови, яъни сугуртачиларнинг бозори касод бўлади.

Коннектикут, Нью-Жерси, Нью-Йоркдаги уйларнинг кўпи яшашга яроқсиз даражада. Сугурта қилишга улгурмаган айрим оилаларнинг кўчада қолиб кетиш хавфи ҳам бор. "The Wall Street Journal" нашрининг ёзишича, Нью-Йоркдаги уйларнинг бор-йўғи бир фоизи сугурталанган бўлса, бу кўрсаткич Коннектикутда 6,13 фоиз, Нью-Жерсида эса 24-66 фоизни ташкил этади. Moody's агентлигининг ҳисоб-китобига, иқтисодиётнинг издан чиқиши кунига 10 миллиард долларга тушмоқда. Довул оқибатида АҚШ ҳудудига уч миллионга яқин киши электр қувватсиз қолган. Сайлов арасида офатнинг юз бериши овоз бериш участкалари ишини анча қийинлаштирди. Нью-Йоркдаги "Индиан-Пойнт" ва Нью-Жерсидаги "Ойстер Крик" атом электростанцияларининг бир неча энергоблоклари тўхтатиб қўйилди. Америкадаги АЭСлар ҳар қандай табиий офатларга дош бера олади. Ҳатто, йўловчи самолёт билан бориб урилганда ҳам уларга заррача таъсир ўтказмайди.

Айни пайтда АҚШ прокуратураси табиий офат рўй берган пайтда айрим ишбилармон доира вакилларининг озик-овқат, ичимлик суви, электрогенератор, бензин, ёритувчи асбобларни нархларининг сунъий равишда ошириб юборилганлиги борасидаги масала бўйича тергов ишларини олиб бормоқда. Айбдорлар албатта тегишли жазосини олади.

Азимжон ПЎЛАТОВ

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Инқироздан чиқиш чоралари

Испания ва Грецияда ишсизлар сони тобора ортиб бораётган бўлса-да, мазкур давлатларда инқироздан қутулиш чоралари кўрилмоқда. Ҳар икки давлатда ҳам туризمنى ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, Испанияда жорий йилнинг учинчи чорагида ишсизлик даражаси 25 фоизни ташкил этган. Бундай нохуш ҳолат 1970 йилдан буён кузатилмаган. Шунга қарамай, айни пайтда ҳукумат бюджет харажатларини қисқартириш, сайёҳликни ривожлантиришга жиддий эътибор қаратмоқда. Грецияда эса ишсизлар аҳолининг ишга лаёқатли қисмининг 25,1 фоизини ташкил этган. Сўнгги беш йилда мамлакатда ишсизлик уч баробар ўсган. Ҳукумат мамлакатда давом этаётган молиявий инқироз оқибатларини пасайтириш, аҳолини иш билан таъминлаш ва иқтисодий тараққиётга хизмат қилишга қаратилган махсус дастур қабул қилинган бўлиб, унга кўра Грециядаги ороллар ижарага берилмоқда. Мутахассисларнинг айтишича, оролларни ижарага олган ишбилармонлар мамлакат миллий хавфсизлиги талабларига тўла риоя этиши лозим.



Олимлар хавотирда

Тинч океани шимоли-шарқидида сузиб юрган пластик чикмидилар миқдори сўнгги 40 йилда юз баравар кўпайган.

Олимларнинг фикрича, бундай ҳолат сув фаунаси ва ҳайвонот дунёсига салбий таъсир кўрсатади. Кичик парчалар кит, ақула, дельфин ва бошқа денгиз жониворларининг нафас йўлларига тушиб қолиши оқибатида заҳарланиши мумкин. Америка ва Германиялик мутахассисларнинг Гавайи ороллари ва Калифорнияда олиб борган тадқиқотларига кўра, 9 фоиз балиқларнинг ошқозонидида пластик идишлар парчалари борлиги аниқланган.



Италиядан Таиландгача

Таиланд ва Италияда велосипед савдоси ошмоқда.

Таиландда ишлаб чиқилган лойиҳага асосан велосипедларни ижарага бериш, автобус, метро ва шаҳар электропоездлари бекатлари атрофида элликсдан зиёд велосипед тўхташ жойлари қурилмоқда. Бу иш биринчи навбатда пойтахт Бангкокда амалга оширилади. Зеро, Бангкок дунёда автомобиль қатнови энг тирбанд шаҳарлар сирасига киради. Хабарларга кўра, ижарага берилаётган велосипедларнинг биринчи ўн беш дақиқаси бепул, қолган вақтда соатига қараб пул тўланади.


Италияда эса 2011 йил 1 миллион 750 минг донга велосипед сотилган бўлса, жорий йилнинг январь-август ойларида бу кўрсаткич икки миллиондан ошган. Бунга мамлакатда давом этаётган молиявий-иқтисодий инқироз ҳамда ёқилма нархининг ошиб бораётгани сабаб бўлмоқда. Олимларнинг фикрича, бундай велотранспортдан фойдаланиш фойдали: энг аввало, ҳавога чиқарилаётган зарарли газлар миқдори камаяди, шунингдек, йўллардаги тирбандлик анча бартараф этилади. Нидерландияда велосипедлар ҳаракати учун алоҳида йўллар қурилмоқда. Махсус қоршима билан қопланган бундай йўллар қишинг изгирин кунларида ҳам музламайди. Бу ёлғир, қор ёққан пайтда ҳам велосипедни хавотирсиз бошқариш имконини беради.



Янги лойиҳа

Хитойда тошқумирдан газ ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда.

Тошқумирни қайта ишловчи илк заводлар Шэньси ва Шаньси провинцияларида қурилади. Лойиҳага кўра, йилига 15 миллиард куб метр газ ишлаб чиқарилади. Бу мамлакатнинг ёқилғига бўлган талабининг 7 фоизини ташкил этади. Маълумотларга кўра, мазкур лойиҳа учун 14 миллиард АҚШ доллар маблағ сарфланади.



Марсдаги топилма

Олимлар Марсда оёқ кийимга ўхшаш изни аниқлашган.

Олимлар бир неча йилдан буён Қизил сайёрада ҳаёт мавжудми, йўқми, деган саволга жавоб излашмоқда. Яқинда НАСАНинг Марсга учирилган «Curiosity» робот технологияси одам изига ўхшаш тасвирларни жўнатган. Мутахассислар суратта олинган тасвирларни катта-лаштириб кўриб ҳайратга тушишган. Шунга қарамай, бу Марсда яшаш мумкин, дегани эмас, дейишмоқда мутахассислар. Сайёра ҳақидаги муҳим маълумотларни ерга узатаётган «Curiosity» яқинда суратга олган лава оқимидаги филнинг бош тасвири ҳам кўплаб шов-шувларга сабаб бўлган.



Хорижий ОАВ хабарлари асосида Дилдора ЭШОНҚУЛОВА тайёрлади

Пекин шаҳри марказида жойлашган Император саройи дунёдаги энг муҳташам мажмуалар сирасига киради. Мазкур қошона Мин ва Цин сулоласидан чиққан 24 нафар Хитой императорларининг қароргоҳи ҳисобланган. Маъмура XV аср бошида қурилган бўлиб, умумий майдони 720 минг квадрат метрни ташкил қилади. Саройни ўраб турган деворларнинг узунлиги 3400, баландлиги эса 8 метрга тенг.

● РАНГИН ДУНЁ

Таъқиқланган шаҳар



канизаклар ҳам яшаган. Улар саройдан бир қадам нарига чиқа олмаган. Саройда белгиланган тартиб-қоидага қатъий амал қилинган. 1644 йили Мин сулоласи манҷурлар томонидан тор-мор қилинади. Бирок, Цин сулоласи номи билан тахтга ўтирган манҷурлар талон-тарож қилинган шаҳарни яна ўз холига қайтаришади. "Таъқиқланган шаҳар" янада чирой очиб, янгидан янги иморатлар, ибодатхона ва саройлар, бир-биридан сўлим боғу роғлар билан бойийди.

Сарой-мажмуа таркибига кирувчи иморатларни қуришда нафақат меъморий ечим ва математик аниқлик, балки та-

биий шарт-шароитлар ҳам ҳисобга олинади. Хитойлик императорлар сарой-мажмуа ва борлиқ ўртасида ўзаро уйғунлик бўлишини талаб қилдилар. Шунданми, бу ердаги ҳар бир иморат табиат манзараларига ҳамоҳанг равишда бир-бирини тўлдириб туради. "Таъқиқланган шаҳар"даги барча асосий иморатларнинг олд томони жануб томонга қараган. Сарой-мажмуадаги қурилмалар ўзининг ташқи чиройидан кўра, режа асосида жойлаштирилгани билан ҳам ажралиб туради.

Шаҳар ичкарисидидаги ҳовли ва саройларга бир неча дарвозалар орқали киришган. Масалан,

"Бош дарвоза"дан мажмуага, "Юсак гармония" дарвозасидан маросимлар ўтказиладиган ички ҳовлига ўтилган. "Самовий поклик" дарвозаси эса муқаддас қароргоҳ томон олиб борган. Ушбу қароргоҳга император оиласи аъзоларидан бўлак ҳеч ким кири олмаган. XVIII асрга қадар император ётоғи ҳам айнан шу қароргоҳда бўлган. Қароргоҳ жойлашган қаср деворлари уймакорлик ва ҳайкалтарошлик намуналарига ниҳоятда бой. Айниқса, бронзадан ясалган аждрҳо ва афсонавий махлуқларнинг ҳайкали жуда кўп. Хона марказида ҳашаматли тахт жой олган. Тахминан 1500 йилдан сўнг Мин су-

лоласи императорлари ихчамроқ қасрларда яшашни маъқул кўришади. Шу-шу "Самовий поклик" қасри ва қароргоҳдан император ҳузурига келган меҳмонларни кутиб олиш мақсадида фойдаланиб келинган.

Бундан ташқари, мажмуанинг шимолий қисмидан жой олган император боғлари хитойликларга хос классик услубда барпо этилган. Боғлар учун тахминан 7000 квадрат метрга тенг майдон ажратилган бўлиб, бекор тош қурилмалар, сой ва кудуқлар ҳар қандай инсонга хотиржамлик ва ҳузур-ҳаловат бахш этади. Ҳатто, сарой-мажмуадаги боғ ва қурилмаларга қараб императорлар яшаган ўша давр муҳитини ҳис қилиш мумкин. Айниқса, шаҳарнинг жанубий қисмида жойлашган катта кутубхона ва музей экспонатлари императорлар ҳаёти ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиш имконини беради.

2005 йили Пекиндаги император саройи ёҳуд "Таъқиқланган шаҳар"нинг музейга айланганига 80 йил тўлди. Бу шаҳар салкам 500 йил Осмон ости мамлакатига пойтахт бўлиб келди. Ҳозирда музей вазифини ўтаётган сарой-мажмуа ЮНЕСКОнинг бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган. Юбилей муносабати билан мажмуада амалга оширилган реконструкция ишлари натижасида "У Ин" қасри ва "Фуцзянь" боғи қайта тикланди. Ажабланарлиси шундаки, бир замонлар оддий халқнинг кириши таъқиқланган ушбу сарой-мажмуага бугун ҳамма кириши мумкин.

Зафар МУҲАММАД

**МАДАНИЯТ
ХАБАРЛАРИ**

**Музейдан
Веронезе
асари
топилди**

Ўзбекистон давлат санъат музейидан XVI асрда яшадиган ижод қилган италиялик rassom Паоло Веронезенинг асари топилди.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги матбуот хизмати маълумотларига кўра, картина музейдаги қадимий матога бўёқ билан ишланган сурат қатламининг остида бўлган. Тахминларга қараганда, совет даврида бу бебаҳо санъат асарини бошқа музейларга бериб юбормаслик мақсадида шундай қилинган. Веронезенинг асарини топган реставратор-рассом Дилшод Азизовнинг айтишича, картина музей фондида анча вақтдан буюн сақланган. Кўп йиллар давомида картина номалъум rassom мўйқаламига мансуб деб келинар эди. — Мен полотнонинг чизилиш услуби, ҳолати, сюжети бўйича унинг Паоло Веронезе мўйқаламига мансуб эканлигини тахмин қилдим, — деди Дилшод Азизов.

**Совринли
ўйин
викторинаси**

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан шу йилнинг 15 ноябрдан 15 декабрига қадар совринли ўйин-викторинаси ўтказилади.

Викторинада қатнашиб, омади кулиб боққан иштирокчиларга ноутбуқлар, телевизорлар, флеш-карталар, DVD-плеерлар ва кўп соатлар тақдим этилади. Ушбу ўйиннинг асосий совғаси — учта «Matiz» русумли автомобиль янги йил байрами арафасида Тошкентда M&TVA-2012 ғолибларини тақдирлаш маросимида ўз эгаларига топширилади. Викторинада иштирок этиш учун www.victoria.fondforum.uz сайтида берилган саволларга жавоб бериш лозим.

**Энг саралар
ғолиб
бўлди**

Бухоро вилоят мусиқали ва драма театрида «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» кўриктанловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Танлов низомига асосан ҳакамлар ҳайъати аъзолари томонидан танловнинг шаҳар, туман босқичларида биринчи, иккинчи, учинчи ўринларни кўлга киритиб вилоят босқичига тавсия этилган 39 та фуқаролар йиғинлари фаолияти ўрганилди. Иштирокчиларнинг махалла институтини янада ривожлантиришга оид тақлифлари ўрганилди. Юқоридагиларга асосан 11 нафар иштирокчи вилоят босқичида қатнашиш имконига эга бўлди. Бухоро шаҳридаги А.Ғиждувоний номли махалла фуқаролар йиғини танлов ғолиби деб топилди. Шунингдек, 2- ва 3-ўринларни кўлга киритган махаллалар ҳам танловнинг республика босқичига йўланмани кўлга киритди.

«Туркистон-пресс»

КЎЗГҮ

ТАШРИФ

Темир йўл техникаси музейи



Пойтахтимизда диққатга сазовор жойлар жуда кўп. Улардан бири марказий вокзал яқинида жойлашган Темир йўл техникаси музейидир. Очiq осмон остидаги бу гўшага ташриф буюрувчилар ҳаммаша топилади. Юз йиллик тарихга эга паровоз ва тепловозлар айнан шу ерда жамланган.

Ўзига хос рамзий аркдан ўтар эканмиз, сўнгги йилларда музей янада чирой очганини пайқадик. Айниқса, унинг кириш қисми бутунлай очилиб кетибди. Музейдаги ўзгаришларни катта ҳажмда амалга оширилган реставрация ишлари, саранжом-саришта йўлақлар ва қайта таъмирдан чиқарилган экспонатларга қараб англаш қийин кечмади. Назаримизда, бир неча тонналик паровозлар йўлга чиқишга шайдек, ўз навбатини кутаётганга ўхшарди. Бир-бирини тўлдириб турган фонар ва ўриндиқларни-ку гапирмасга ҳам бўлади.

Ичкарига кириб, эътиборимизни бутунлай биринчи нарса баҳайбат йўловчи паровоз бўлди. Яқинроқ бордик, бир пайтлар гуриллаб ҳаракатда бўлган, ҳозирда эса музей экспонатига айланган «оловли от»лар тарихини ипидан-игнаси-гача билгимиз келди. Ташрифимиз тушлик вақтига тўғри келганга қарамай, музей ходимлари бизни ҳушмуомалалик билан кутиб олишди. Экскурсия давомида бизга ҳамроҳлик қилган музей ходимлари барча саволларимизга бажонидил жавоб бердилар.

— «Ўзбекистон темир йўллари» компаниясига қарашли музейимизда жами 54 та экспонат мавжуд, — дейди музей ходимаси Дилором Усмоновжаева. — Тарихий аҳамиятга молик 13 та паровоз, 18 та тепловоз, 3 та электровоз, турли хил вагон ҳамда таъмирлаш-қурилиш техникалари музейимиз фахри ҳисобланади. Музейдаги энг қадимги экспонат «ОВ» паровозидир. У 1914 йили Германияда ишлаб чиқарилган. Бундан ташқари, экспонатларимиз орасида Чехиянинг «Шкода» корхонасида тайёрлан-



ган КЧ-4 паровози ҳам бор. Мазкур кичик паровоз ўзининг антика кўриниши билан ҳар қандай одамни бир маротаба бўлса-да музейимизга ташриф буюришга ундаб туради.

Экспурсиямизни темир йўл тарихидан ҳикоя қилувчи ноёб экспонатлар сақланадиган махсус вагонда давом эттиришга қарор қилдик. Бу ердаги экспонатлар орасида 3-4 хил паровоз макетларидан тортиб, магистрал йўллар картаси ва бошқа алоқа воситаларини кўриш мумкин. Ҳатто, ўтган асрда кенг фойдаланилган Морзе телеграф аппарати, унинг ишлаш услуби билан танишиш имконияти мавжуд. Қолаверса, музей-вагондан темир йўлчилар формаси, фонарлар ва бир қанча темир йўл анжомлари жой олган. Яқин кунларда эса музей-вагондаги барча экспонатлар икки қаватли йўловчи поездига кўчирилади. Музей ходимларининг айтишича, ушбу модификациядаги поездлар дунёда бор-йўғи 16 та экан. Улардан бири айнан шу музейда сақланади.

Темир йўл техникаси музейига ташриф буюрувчилар истабган тақдирда ҳам зерикиб қолишмайди. Чунки бу гўшадаги экспонатларнинг ҳар бири киши эътиборини тортади. Бундай улкан транспорт воситалари қачон ва ким томонидан кашф қилинган, унинг техник кўрсаткичлари кўпчиликини қизиқтириши табиий. Музей худуди бўйлаб йўлга қўйилган поезд катнови ташриф буюрувчиларнинг шу каби саволларига жавоб топиш имконини беради. Ҳушмуомала ходимлар сайр баҳона музей

худудидаги паровоз ва тепловозлар тарихи ҳақида мароқли ҳикояларни сўзлаб беришади.

— Бизнинг музей деярли ҳаммага ёқади. Сабаби, музейимизга ташриф буюрувчилар ёши аниқ белгиланмаган. Шу боис, ўқувчи ёшлардан тортиб, ёши улуг кексаларга ҳам эшигимиз очик. Хорижлик сайёҳлар ҳам тез-тез меҳмонимиз бўлиб туришади. Уларнинг ҳайратини бир сўз билан изоҳлаш ниҳоятда мушкул. Узоққа бориб нима

вимли маскани эканини тасдиқлади. Айниқса, ўқув йилининг бошланиши биланоқ коллеж, лицей ва мактаб ўқувчиларининг қадами узилмас эмиш. Таътил кунларида-ку уларнинг кўплигидан музейнинг яқинига йўлаш амримаҳол экан.

— Музейнинг ютуғи шундаки, — дея суҳбатимизга аралашди икки набиранинг бувиси Саодат ая Толипова. — У очик осмон остида жойлашган. Бу ерга келган бола диққинафас бўлиб,

қилдим. Кечагина чет эллик бир сайёҳнинг хатти-ҳаракатини зимдан кузатдим. У ҳар бир экспонат олдида анча вақтгача туриб қолар, паровозларнинг энг майда деталига ҳам аҳамият беради. Унинг гапларидан уққанам, «Қойил! Қойил!» деган сўзлар бўлди. Шунингдек, мусулейни болаларсиз тасаввур қилиш қийин. Уларнинг шодон қийқириқлари, ўйин-кулгилари, паровоз кабинасига чиқиб олиб, ўзларини худди машинистлардек тутуши биз катталарга олам-олам кувонч бағишлайди, — дейди Д.Усмоновжаева.

Музейни айланар эканмиз, бу гапнинг нақадар ростлигига ўзимиз ҳам амин бўлдик. Қизчасини тепловозу паровозларга миндириб, суратга олаётган бахтиёр отанинг музей ҳақидаги таассуротлари билан қизикдик.

**Жавохир ЗАРИПОВ,
ўқитувчи:**

— Тошкент темир йўл техникаси музейига биринчи бор келишимиз. Қизимнинг кўзидаги кувонч ва ўйинқароқликни кўриб, болалик дамларим ёдимга тушиб кетди. Албатта, болалигимиз ўтган даврларда бундай музейлар бўлмаган. Мустақиллик туйғалигина пойтахтимизда ана шундай ноёб техника музейи ўзгача кўриниш ва маъно касб этди, деб ўйлайман. Тўғриси, пойтахтимизда бундай музей борлигини ўқувчиларимиз эшитганимиз. Улар бу ерга тез-тез келиб туришади ва ҳар сафар музей экспонатларини макташгани-макташган. Экспурсоводимиз ҳақиқатан ҳам музей ўқувчиларнинг се-

ўзини беҳузур сезмайди. Қолаверса, ушбу музейдаги экспонатларни кўл билан ушлашга рухсат этилган. Ахир қайси болага бундай эркинлик ёқмайди, дейсиз? Бундан ташқари, музей истироҳат боғидан сира қолишмайди. Биргина фарқи унинг аттракционлари йўқ, холос. Мени кувонтирган яна бир нарса: музейдаги муҳит набираларим тарбиясига ўзининг ижобий таъсирини кўрсата бошлади.

Экспурсиямиз давомида музей ҳақидаги бу каби фикр-мулоҳазаларнинг кўпини тингладик ва ёзиб олдик. Айниқса, музейнинг тақлиф ва истаклар китобида битилган номаларни ўқиб, юртимизда ана шундай маскан борлигидан фахрланиб ҳам кетдик. Англия, Америка, Голландия, Германия, Россия, Хитой, Япония каби мамлакатлардан келган сайёҳларнинг музей экспонатлари ҳақида ҳайрат ва ҳаяжон билан ёзган биттикларини ўқидик.

Темирйўлчилар маданият саройининг узвий қисми бўлмиш бу музей техник музейлар халқаро ассоциацияси аъзоси ҳисобланади. Музей темир йўл техникаси йўналиши бўйича дунёда энг қизиқарли деб топилди. Қолаверса, шу йилнинг 18 майида Темир йўл техникаси музейи юртимиздаги ноёб музейлардан бири сифатида эътироф этилди ва махсус диплом билан тақдирланди. Зеро, бу музей Ўзбекистон темир йўлларининг ўтмиши, катнови ва келажги ҳақида ҳикоя қилишда давом этаверади.

**Зафар МУҲАММАД,
«Milliy tiklanish» мухбири**

КАДРИЯТ

«Меҳржон» — ҳосил байрами

Истиқлол йилларида маънавиятимизга бўлган эътибор янада кучайди. Айниқса, қадимки урф-одат ва анъаналаримизни акс эттирувчи байрамларимиз қайта тикланди. Жумладан, куз ойида юртимизда «Меҳржон» байрами кенг миқёсда нишонланмоқда.

Байрамнинг ўзига хос тарихи бор. Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимий халқлардан қолган ёдгорликлар» номли асаридан келтирилишича, «Меҳржон» — «кўёш» ва «жон севги» деган маънони англатади. Де-

мак, ўз-ўзидан маълумки, шукунати табиат инъом этган нознеъматлар учун шукроналик келтирилган. Одамлар бир-биридан меҳру муруватини дариг тутмаган.

Яна бир тарихий манбада келтирилишича, қадимда кузнинг айнаи пишиқчилик даврида, тун ва кун тенглигида «Меҳржон» байрами нишонланган экан. «Меҳржон» байрами кинотта зеб, ерга нур сочиб турган кўёшни қадрлашга, ўз нури ва ҳарорати билан ҳосилни мўл қилгани учун миннатдорлик билдириш имконини берган

бўлса, иккинчи томондан одамларни қишининг ғамини ейишга ҳам ундаган.

Аждодларимизнинг асосий байрамларидан бири бўлган «Меҳржон» бугунга келиб, кузги пишиқчилик ва ҳосил байрами сифатида кенг нишонлаб келинмоқда. «Меҳржон» оламга нур, ҳарорат ва ҳаёт бериб турган Кўёш бобога бўлган миннатдорчилик, табиатни чуқурроқ тушунишга ундайдиган, она ерни ардоқлашга кўмак берадиган, деҳқон меҳнатини қадрлайдиган, инсониятга «жон севгиси»ни бахш этадиган, раҳм-

шафқат, меҳр-муруват, сахорлав, ўзаро ёрдам туйғуларини улуглайдиган, тиклайдиган, тараққий эттирадиган катта халқ байрамига айлини кетди.

Миллий меросимиз ҳисобланувчи бундай қадимий ва бетакрор байрамларимизнинг жойларда кўтаринки кайфиятда ўтказилиши келажгимиз эгалари бўлган ёшларда миллий кадриятларимизга ҳурмат, урф-одат ва анъаналаримизни ардоқлашга даъват этиши шубҳасиз.

**Мухтасархон
КАРИМОВА**

Қадимги юнон файласуфи Фалес шундай деб ёзади:
— Энг гўзал нарса нима?
— Одам. Чунки у Тангрининг маҳсулидир.
— Энг тез нарса нима?
— Ақл. У ҳамма нарсани ортда қолдиради.
— Ҳаммадан донорик нарса-чи?
— Вақт. Чунки ёлғиз вақтгина ҳамма нарсани оидинлаштиради.
— Ҳамма учун энг умумий нарса нима?
— Умид. Чунки у ҳеч вақоси йўқларда ҳам мавжуддир.
— Энг кучли нарса нима?
— Зарурият. Чунки у ҳамма нарсанинг устидан ҳукмронлик қилади.
— Энг қийин нарса нима?
— Ўзини англаш.
— Энг осон нарса-чи?
— Ўзгаларга маслаҳат бериш.
— Кимни бахтли санаш мумкин?
— Жисмоний соғлом, руҳий хотиржам ҳамда истеъдодини ўстира олган кишини.

БИЛАСИЗМИ?

Сингапур худудини метро (узунлиги 67 км.) да айланаб чиқиш мумкин. Унинг худуди шимолдан жанубгача 23 км., ғарбдан шарққача 42 км.га тенг.

Австралия — бутун қитъа худудини эгаллаган дунёдаги ягона давлатдир.

ТУРФА ОЛАМ

Археологик топилма

ЧЕХИЯЛИК АРХЕОЛОГЛАР БУНДАН 4,5 МИНГ ЙИЛ АВАЛ ДАФН ЭТИЛГАН ҚАДИМГИ МИСР МАЛИКАСИНИНГ ХИЛХОНАСИГА ДУЧ КЕЛИШГАН.

Маълумотларга қараганда, хилхона Қоҳира шаҳридан унча узоқ бўлмаган Абу Сир худудидан топилган. Хилхона малика Шерт Небтига тегишли эканини тадқиқотчилар даҳма қопқасидаги биттиклардан билиб олишган. Бундан ташқари, археологлар хилхона яқинида ерости йўлак борлигини ҳам аниқлашди. Ушбу ерости йўлагидан яна бир неча эски қабр ва ҳайкаллар топилган. Археологларнинг тахминича, даҳмаларда маликадан кейин вафот этган юқори мартабали амалдорлар дафн этилган бўлиши мумкин.

Ягона экран

ТОКИО ТЕХНОЛОГИЯ УНИВЕРСИТЕТИ ОЛИМЛАРИ БИР НЕЧА СЕНСОРЛИ ҚУРИЛМАЛАРДАН ЯГОНА ЭКРАН ҲОСИЛ ҚИЛИШ ИМКОНИНИ БЕРУВЧИ ТЕХНОЛОГИЯНИ КАШФ ЭТИШДИ.

К а ш ш о ф японлар ушбу технологияга Pinch номини беришди. Мутахассисларнинг айтишича, аппаратларни ёнма-ён жойлаштириш, бош бармоқ билан битта аппарат экранига, кўрсаткич бармоқ билан эса бошқасиникига босиш, кейин эса бармоқларни бир-бирига бириштириш лозим бўлади. Шундан сўнг иккита дисплеяда ягона тасвир намоён бўлади. Суратнинг бир қисми битта телефонда, иккинчиси бошқа телефон экранига чиқади. Қурилмалар тасвирни Wi-Fi воситасида қисмларга бўлиган ҳолда узатади.

«Ақлли йўл»

ГОЛЛАНДИЯЛИК ДИЗАЙНЕРЛАР ҲУКУМАТ ТОМОНИДАН МАЪҚУЛЛАНГАН ФУТУРИСТИК ЙЎЛ КОНЦЕПЦИЯСИНИ ТАҚДИМ ЭТИШДИ.

Манбада қайд этилишича, шоссе интрофол бўлади ва атроф-муҳитдаги ўзгаришларга мустақил равишда жавоб беради. Автострада бўйлаб индикаторлар ўрнатилди, улар ҳайдовчиларга йўлдаги тирбандлик ва об-ҳаво шароитлари ҳақида маълумот бериб боради. Фотолюминесцент қоплама кундузи кўёшдан заряд олган ҳолда, тунда ўн соат давомида контурларни ёрита олади. Йўл музлаганда, ақлли бўёқ туйғали шу заҳоти йўлда тегишли белгилар пайдо бўлади. Энергияни тежовчи фонуслар фақат машина яқинлашаётганида ёнади. Момақалдиқок ва бўрон чоғида махсус «шамол» чироклари кўшимча ёруғлик билан таъминлайди.

Умида БЎТАЕВА тайёрлади

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девончи проектор жамламаларини сотиб олиш учун тендер эълон қилади.
Мурожаат учун телефонлар:
8 (371) 244-14-98, 244-42-05.
Факс: 8 (371) 239-45-77.
e-mail: uzmtedpkm@mail.ru

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгаши партия фаоли, фалсафа фанлари доктори, профессор

Равшан РАҲМОНОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик ихор қилади.